

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

«МЕХНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА СОЦИОЛОГИЯСИ»
КАФЕДРАСИ

«Химояга рухсат этилади»
Кафедра мудири
и.ф.д. Абдурахманова Г.Қ.

« _____ » _____ 2017 йил

**Аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш
билан таъминлашни такомиллаштириш**
(Фарғона вилояти Бувайда тумани мисолида)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ИЛМИЙ РАЎБАР:
кат.ўқит. Акбаров А.М.

БАЖАРДИ: «Меҳнат иқтисодиёти ва
социологияси» таълим йўналиши
ЕКТ-76 гуруҳ талабаси
Насимов Музаффарбек Авазхон
ўғли

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди
_____ сонли баённома « _____ » _____ 2017 йил.

Т О Ш К Е Н Т – 2 0 1 7

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	8
1.1. Аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	8
1.2. Ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришда давлатнинг роли.....	16
1.3. Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тажрибалари.....	25
I боб бўйича хулоса.....	32
II БОБ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	34
2.1. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унинг аҳолини иш билан таъминлашга таъсири.....	34
2.2. Бувайда туманида аҳоли иш билан бандлиги ҳолатининг таҳлили.....	39
2.3. Туманда ишсизлик ҳолатининг таҳлили ва унинг омиллари.....	46
II боб бўйича хулоса.....	52
III БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	53
3.1. Ўрта ва узоқ муддатли истикболда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг самарали механизмлари.....	53
3.2. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмаларининг фаолиятини такомиллаштириш..	67
III боб бўйича хулоса.....	77
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	79
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	83

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятнинг асосий бойлиги инсонлар бўлиб, уларни жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши муҳим саналади. Республикамиз учун меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича муаммони ҳал қилишнинг энг самарали қуролларидан бири бўлган меҳнат бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотлар амалга ошириш учун, мамлакат ишчи кучидан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишчи кучидан самарали фойдаланиш асосан аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ўз ифодасини топади. Иш билан бандлик эса ўз навбатида ижтимоий тотувлик ва барқарорликка эришувнинг, жамият иқтисодий ривожининг муҳим омилидир. Ўтиш даврида иш билан бандлик соҳасидаги ҳукуратимизнинг инсон омилига қаратилган стратегиясида меҳнатга қодир ҳар бир инсон ўз қобилиятларини ўстириш ва ўз меҳнат тарзини таъминлаши учун шароитлар яратиши назарда тутилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.”¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11 (6705).

Ҳозирги шароитда иқтисодий ўсиш барқарорлашувини таъминлашда бир қатор муаммоларни ечиш тақозо этилади. Масалан, устувор ривожланаётган тармоқларда тармоқлар тузилмавий таркиби ўзгармоқда, иқтисодий ривожланиши суръатлари ишлаб чиқаришда банд бўлган ортиқча ишчи кучи ва ходимларни бошқа ишларга жалб этиш вазифалари кучаяди. Бу эса, мамлакат, тармоқлар, ҳудудлар миқёсидаги иш билан бандликда жиддий ўзгаришлар амалга оширишни, даставвал эса, бундай ўзгаришларни назарий жиҳатдан асосланган ҳолда жорий қилиш талаб қилинади.

Бугунги иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида мамлакатимизнинг кўп миллионли меҳнат ресурсларининг оқилона иш билан бандлигини таъминлаш зарурияти туғилмоқда. Шу сабабли ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосий аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори ва ишчи кучидан фойдаланиш муаммоларини ўрганиш, истиқболлини белгилаш аҳамияти, услублари ва афзалликлари, ишчи кучининг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли классик иқтисодчи-олимлар А.Смит, Д.Рикардо, К.Макконелл, А.Маршалл, А.Оукен, И.Фишер, Д.Кейнс асарларида кенг ёритилган. Ўтиш даврида меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг амалий ва назарий муаммолари ҳамда башоратлаш усуллари МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Р.Агабеян, Г.Авагян, Н.Волгин, Ю.Одегов, Л.Костин, В.Плакся ва бошқалар томонидан ўрганилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Абдурахмонов, Г.Саидова, С.Ғуломов, Р.Убайдуллаева, Ш.Холмўминов, Н.Зокирова, Д.Рахимовалар томонидан ҳам ушбу муаммолар тадқиқ этилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади – иқтисодий модернизиция қилиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш

билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияномаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун **битирув малакавий ишининг олдида қуйидаги асосий вазифалар** қўйилди:

- аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш;
- ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришда давлатнинг ролини аниқлаш;
- хорижий мамлакатларнинг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тажрибалари ўрганиш;
- Бувайда туманида аҳоли иш билан бандлиги ҳолатини таҳлил қилиш;
- туманда ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг омилларини аниқлаш;
- ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг самарали механизмларини таклиф қилиш;
- аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмаларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Фарғона вилоятининг Бувайда туманида иш билан банд аҳоли олинган.

Битирув малакавий ишининг предмети эса аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича иқтисодий муносабатларни ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилик элементлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асосланди;

- ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришда давлатнинг ролига баҳо берилди;
- хорижий мамлакатларнинг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тажрибалари ўрганилди;
- Бувайда туманида аҳоли иш билан бандлиги ҳолати таҳлил қилинди;
- туманда ишсизлик ҳолати таҳлил қилинди ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланди;
- ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг самарали механизмлари таклиф қилинди;
- аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмаларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг амалий тавсиялари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асоси сифатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун назарий асос бўлади.

Ушбу битирув малакавий ишининг амалий тавсияларидан Бувайда туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида, шунингдек, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш мақсадларида Меҳнат бошқармаларида, бандликка кўмаклашиш марказларида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, изланиш натижалари олий ўқув юртларида “Меҳнат иқтисодиёти”, “Меҳнат бозори иқтисодиёти” каби фанларни ўқитиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Ишнинг таркиби, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ: кириш, мавзунинг асосий мазмуни ва моҳиятини ифодаловчи саккизта саволлардан иборат учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Ишнинг **биринчи бобида** аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асосланган, ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришда давлатнинг ролига баҳо берилган, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тажрибалари ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг **иккинчи бобида** Бувайда туманида аҳоли иш билан бандлиги ҳолати таҳлил қилинган, туманда ишсизлик ҳолати таҳлил қилинган ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Ишнинг **учинчи бобида** ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг самарали механизмлари таклиф қилинган, аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмаларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг **хулоса ва таклифлар** қисмида таҳлил натижалари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар ва таклифлар олинган.

I БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ


1.1. Аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий меҳнат соҳасининг очик, кўп омили ва ривожланиб борувчи мураккаб тизими бўлиб, ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантирди. Мазкур бозор талаб ва таклифни тартибга солишда бевосита иштирок этади ва ишсизликни камайтириш ҳамда оқилона бандликка эришишга кўмаклашади.

Меҳнат бозорини ривожлантириш механизмлари ёлланма ходим, ташкилот ва давлат иқтисодий манфаатларининг мувазанатини таъминлаш мақсадига мос келиши, ушбу механизмларни ишлаб чиқиш ва қўллаш вазифаси эса давлат ва жамиятнинг манфаатлари йўлида ёлланма ходим ва ташкилотнинг меҳнат фаоллигини ошириш учун уларга таъсир этиш усуллари ва воситалари тизимини яратишдан иборат бўлиши керак. Бунда шунини ҳисобга олиш лозимки, меҳнат жараёни барча иштирокчилари иқтисодий манфаатларининг мувазанатини таъминлаш мақсади уни амалга оширишнинг ўта мураккаблиги билан фарқ қилади, бу нафақат манфаатни шакллантиришнинг асосида ётувчи эҳтиёжлар субъективизмининг юқори даражаси билан, балки кўпинча меҳнат бозорининг турли субъектларида эҳтиёжларнинг тўлиқ диаметрал қарама-қаршилиги билан шартланган.

Бу билан меҳнат бозори акс эттирадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни унинг субъектлари иқтисодий манфаатларининг мос келиши нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Ушбу қарашдан келиб чиққан ҳолда, меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналиши

сифатида биз ижтимоий шерикликни ривожлантириш асосида меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш механизмини шакллантириш белгиланди. Ушбу механизмни тузиш схемаси 1.1-расмда келтирилган.



1.1-расм. Ижтимоий шерикликни ривожлантириш асосида меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш механизмларини шакллантириш схемаси

Манба: расм муаллиф изланишлари асосида тузилган.

Меҳнат бозори субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини тартибга солишга мўлжалланган уларнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш механизминини ўзаро муносабатларнинг қуйидаги иккита даражасига татбиқан кўриб чиқиш мумкин:

– иқтисодиётнинг асосий таркибий бўғини сифатида давлат билан ташкилотлар ўртасида;

– ташкилотнинг асосий ресурси сифатида ташкилотлар билан уларнинг ёлланма ходимлари ўртасида².

Ўзаро муносабатларнинг биринчи даражасида бу шуни англатадики, иқтисодиёт жамиятнинг нафақат моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва алмашиш учун, балки у томонидан юзага келтириладиган меҳнат соҳасидаги ижтимоий муносабатлар учун ҳам жавоб берувчи кичик тизимига айланади. Бундай ёндашув инсон капиталини шакллантириш, ривожлантириш ва такрор барпо этиш йўли билан янгилаш нуқтаи назаридан меҳнат бозорини макроиқтисодий ривожлантиришнинг янги концепциясига мос келади. Ўз навбатида, ташкилот билан ёлланма ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг иккинчи даражасида бу шуни англатадики, иқтисодиёт ходимнинг меҳнат салоҳиятини ривожлантириш, ундан хўжалик фаолияти жараёнида фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бунинг оқибатида меҳнат унумдорлиги ва ташкилотнинг даромадларини ошириш учун шароитни таъминловчи воситага айланади. Бундай ёндашув ходимдаги мавжуд эҳтиёжлар, манфаатлар, мотивлар ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда уни ташкилотнинг асосий ресурси сифатида кўриб чиқувчи янги бошқарув парадигмасига мос келади.

Бундан келиб чиқадики, ҳам биринчи, ҳам иккинчи даража ўзаро муносабатларининг самарали ишловчи тизимини ташкил этиш учун меҳнат бозорини тартибга солишнинг унинг барча субъектларининг ривожланиш

² Кашепов А., Сулакшин С., Малчинов А. Рынок труда: проблемы и решения: монография. – М.: Научный эксперт, 2008. – С.73.

эҳтиёжларини қондириб, улардаги қарама-қарши иқтисодий манфаатларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайдиган ва ижтимоий-меҳнатга оид муносабатларнинг юксак ривожланган даражасига мос келадиган воситасини танлаш зарур.

Ижтимоий шериклик ривожланишнинг асосий субъекти бўлиб меҳнат бозорининг давлат ва жамият билан ҳам, ишга ёлланган ёки потенциал (банд бўлмаган, ишсиз) ходимлар билан ҳам бевосита ўзаро ҳамкорлик қилувчи фаол иштирокчиси ҳисобланган ташкилот иштирок этиши лозим. Шунинг учун ижтимоий шерикликни ривожлантириш асосида меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришнинг таклиф этилаётган механизмнинг мазмунини биз унинг ташкилот даражасига максимал даражада яқинлаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда очиб берамиз, боз устига, давлат ва ташкилотнинг мазкур соҳадаги мақсади ва вазифалари кўп жиҳатдан айнан бир хил (1.1-жадвал).

Ижтимоий шериклик тамойиллари ва функцияларининг амалга оширилиши мос шаклларда ўз ифодасини топади. Агар ижтимоий шериклик объектидан (меҳнат соҳасидаги, хусусан, иш ҳақи, иш билан бандлик, персонални бошқариш, ёлланма ходимларга ижтимоий кафолатларни таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитлари, мазмуни, меҳнатни ташкил этиш ва ҳоказолар юзасидан ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан) келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий шерикликнинг қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин³:

- жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш бўйича музокаралар;
- меҳнат соҳасидаги ваколатли органлар ва тузилмаларнинг маслаҳатлари;

³ Кязимов К. Социальное партнёрство: теория и практика. – М.: МиК, 2011. – С.49.

1.1-жадвал

Меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш соҳасида давлат ва ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари

Таққослаш параметри	Давлат	Ташкилотлар
Мақсадлар	<ul style="list-style-type: none"> – жамиятда барқарорликни таъминлаш; – ижтимоий шерикликдаги томонлар манфаатларидаги балансни таъминловчи масалалар бўйича ечимлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; – иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш; – хўжалик субъекти фаолиятларининг самарадорлигини ошириш. 	<ul style="list-style-type: none"> – Иш берувчилар ва ёлланма ходимлар манфаатлари балансини таъминлаш; – фаолият самарадорлигини ошириш; – ёлланма ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш; – ишчи кучи қобилиятини сотиб олишнинг фаол субъекти сифатида меҳнат бозорида иштирокини кенгайтириш.
Вазифалар	<ul style="list-style-type: none"> – меҳнат муносабатлари соҳасида ёлланма ходимларнинг ҳимояланганлик даражасини ошириш; – жамиятнинг ижтимоий кескинлик даражасини ошириш; – ишчи кучи нархининг ўзгариш суръатини меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати билан мувофиқлигини таъминлаш; – меҳнат низоларини (якка ва жамоа) ҳал этиш тизимини такомиллаштириш; – барча даражаларда ижтимоий шерикликнинг вакиллик органларини шакллантиришни рағбатлантириш; – барча даражалардаги самарали ижтимоий мулоқотни ривожлантириш; – музокаралар жараёни тартибини такомиллаштириш. 	<ul style="list-style-type: none"> – формирование представительных органов социальных партнеров; – ёлланма ходимларнинг ҳимояланганлик даражасини ошириш; – жамоавий меҳнат низоларининг олдини олиш; – меҳнат жамоаси учун қулай иқлимни шакллантириш; – ходимларнинг ҳаётини бошқариш ва фаровонлигини ошириш; – ходимларнинг шахсий қобилиятларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш; – ходимларнинг ижтимоий ва тиббий суғуртаси, меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни кучайтириш; – ходимларнинг меҳнат фаолияти тугаганидан сўнг уларга қўшимча пенсия таъминоти тизимини шакллантириш.

Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

– меҳнат жараёни тарафларининг комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар, жамғармаларда биргаликда ишлаши;

– эришилган шартномалар ва келишувларнинг бажарилишини назорат қилиш;

– жамоавий меҳнат низоларини бартараф этиш;

– ходимларнинг ташкилотларни бошқариш, фаолият натижаларини тақсимлаш, хўжалик, мулк масалаларини ҳал этишда иштирок этиши ва ҳ.к.

Бизнинг фикримизга кўра, ижтимоий шериклик шакллариининг рўйхатини миқдорий жиҳатдан чекламаслик керак, чунки ижтимоий-меҳнат муносабатлари ривожланган сайин ижтимоий шерикликнинг янги шакллари пайдо бўлади. Мисол тариқасида ижтимоий шерикликнинг ёлланма ходимларнинг ташкилот мулкида иштирок этиши шаклини келтириш мумкин. Албатта, агар ходим мулкдор ходимлар тоифасига кирмасдан, балки ёлланма ходим (яъни, ташкилотга вақтинча муайян мукофот эвазига ўз ишчи кучидан фойдаланиш имконини берган) ҳисобланса, унинг иқтисодий манфаатлари фақатгина олинаниган иш ҳақининг миқдорида бўлади, ташкилот капиталининг кўпайиши (мулкдаги улушнинг ошиши)дан эса бундай ходим манфаатдор эмас. Ўз навбатида, ижтимоий шериклик шаклини танлашда мулкдор ва ёлланма ходимлар учун иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш механизмлари ҳам турлича бўлади.

Ижтимоий шерикликнинг муайян механизмини кўриб чиқаётиб, шунинг таъкидлашни истардикки, уни ишлаб чиқиш зарурлиги ижтимоий шерикликнинг ривожланиши омиллари ва меҳнат бозорининг юзага келган конъюнктураси билан шартланадиган муаммолар йиғиндиси билан белгиланади. Хусусан, бизнинг фикримизга кўра, ижтимоий шерикликнинг ривожланиши омилларини иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий ва психологик омиллар гуруҳларига бирлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу омилларнинг тахминий таркиби 1.2-жадвалда келтирилган.

Ижтимоий шерикликнинг ривожланиш омиллари

Омиллар гуруҳи	Ижтимоий шерикликнинг ривожланиш омиллари
Иқтисодий	<ul style="list-style-type: none"> - мулкнинг кўп укладли шакллари; - иқтисодий ривожланишнинг инновационлиги; - ишлаб чиқариш муносабатларининг ва унга мос ишлаб чиқариш кучларининг тез ривожланиши; - мулкдорлар шаклланишининг иқтисодий механизмлари ва ҳ.к.
Ижтимоий	<ul style="list-style-type: none"> - “ўрта синф”нинг шаклланиши; - фуқаролик жамиятининг ривожланиши; - мамлакат ривожланишининг ижтимоий йўналтирилганлиги; - жамият таркибида турли ижтимоий гуруҳларнинг кенг вакиллиги; - жамиятда ижтимоий кескинликнинг мавжуд эмаслиги.
Ҳуқуқий	<ul style="list-style-type: none"> - ижтимоий-меҳнат соҳаси ривожланишини қонуний таъминлашнинг мавжудлиги; - миллий қонунчиликнинг Халқаро меҳнат ташкилоти декларация, тавсиянома ва концепцияларига мувофиқлиги; - амалдаги меҳнат қонунчилигида барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг акс этганлиги; - жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг алоҳида қонуний таъминоти.
Сиёсий	<ul style="list-style-type: none"> - демократия шакллариининг ривожланиши; - сиёсий эркинлик; - турли ижтимоий қатламлар манфаатларидаги фарқни акс эттирувчи кўп партияли жамият; - халқаро ҳуқуқий нормаларни таъминловчи демократия нормаларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва ҳ.к.
Психологик	<ul style="list-style-type: none"> - меҳнат жараёнида ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтириш бўйича ходим онгини шакллантириш; - меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида келишмовчиликларни бартараф этиш; - ташкилотнинг барча соҳадаги фаолиятида ходимларнинг фаол иштироки; - меҳнат фаолияти билан боғлиқ низоларни бартараф этиш; - ташкилотда юқори даражада ривожланган ташкилий маданиятнинг мавжудлиги.

Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Жадвалда келтирилган ижтимоий шерикликнинг ривожланиш омиллари таркибига изоҳ бериш баробарида, таъкидлаш лозимки, давлат даражасида шаклланадиган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий омиллар

ташкilotга нисбатан объектив омиллар сифатида иштирок этади, яъни ташкilot уларга таъсир кўрсатишга қодир эмас. Улардан фарқли ўларок психологик омиллар гуруҳи субъектив хусусиятга эга бўлиб, ижтимоий шериклик чоғида уларга таъсир кўрсатилади.

Юқорида таъкидланганидек, ижтимоий шерикликни ривожлантириш истиқболлари нафақат омиллар йиғиндиси билан, балки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар иштирокчилари иқтисодий манфаатларининг мувазанатлашмаганлиги туфайли келиб чиққан замонавий меҳнат бозори учун хос бўлган муаммоларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Бизнинг назаримизда, ижтимоий шериклик механизмини танлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган ана шундай муаммолар ичида энг муҳимлари куйидагилардан иборат:

– макроиқтисодий ўсиш тенденциясида намоён бўлган иқтисодиётнинг умумий ривожланиши асосан хом-ашё ресурсларини сотиш ҳисобидан таъминланяпти; табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши етарлича инновацион хусусиятга эга эмас, ўз навбатида, макроиқтисодиёт, умуман олганда, ижтимоий соҳанинг ривожланиши учун шароитларни таъминловчи омилга айланмади;

– турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоат бирлашмаларини ташкил этиш давлат томонидан берилган эркинликка қарамай жамият меҳнат бозорида юзага келаётган ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун ушбу имкониятдан фойдаланишда ҳамон суст;

– ёлланма ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган касаба уюшмалари ўзларини ушбу жараёндан деярли тўлиқ четлатди;

– касаба уюшмаси ҳаракати паст самарали, уларни бошқариш органлари эса кучли «бюрократлашган»;

– янги мулкдорлар катта қисмининг онги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга йўналтирилмаган, унда ҳамон мулкдорларнинг шахсий иқтисодий манфаатлари устунлик қилади;

– меҳнат бозорининг фаолият кўрсатишини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари ижтимоий-меҳнатга оид муносабатларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ тузатишлар киритишни талаб қилади;

– ёлланма ходимларнинг аксарият қисми ташкилот фаолиятини бошқаришдаги ўз иштирокини кенгайтиришга тайёр эмас; эски ўзини ўзи бошқариш механизмлари барбод бўлган, янгилари эса шаклланиш босқичида турибди.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш омилларининг намоён бўлиши даражасига қараб ташкилот ушбу шерикликнинг юзага келган даражасига мос келадиган, меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатлари мувозанатини таъминлаш мақсадларига жавоб берувчи механизмни танлаши мумкин.

1.2. Ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришда давлатнинг роли

Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Мамлакатда ижтимоий шериклик тизимининг ҳолати унинг ижтимоий йўналтирилганлиги, яъни қандай даражада ижтимоий давлатлиги билан

белгиланади. Давлатнинг ижтимоий хусусияти биринчи марта 1949 йил Германиянинг Асосий қонунида эълон қилинган. Ушбу хусусият давлат жамиятга хизмат қилишини ва асоссиз ижтимоий тафовутларга барҳам бериш ёки уларни имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилишини назарда тутди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”⁵, деб белгилаб қўйилган. Ушбу умумий қоидадан Ўзбекистон давлатининг қуйидаги Конституциявий бурчлари келиб чиқади: инсонлар соғлиғини муҳофаза қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг кафолатланган энг кам миқдорини белгилаш, оила, оналик, оталик ва болалик, ногиронлар ва қариялар давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсиялари, нафақалар ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа кафолатларини белгилаш.

Ижтимоий давлатда, энг аввало, меҳнатга лаёқатли аҳолининг максимал даражадаги иш билан бандлиги; ишлаб чиқариш кучларининг жамият манфаатларида ривожланиши ва меҳнат унумдорлигини ошириш; ёлланма ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий-меҳнат муаммоларини ҳал қилишда иштирок этишини назарда тутадиган иқтисодий демократия, ижтимоий боқимандалик омилларини истисно қилган ҳолда шахснинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, жамиятнинг қатламларга бўлиниши ва даромадлар даражасида асоссиз равишдаги тафовутларга йўл қўймайдиган тарзда даромадларни барча тоифадаги ва қатламдаги фуқаролар ўртасида оқилона тақсимлаш кўзда тутилади. Ижтимоий давлат бу – жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари ҳақида, уларга кексаликда моддий фаровонлик


⁴ Ижтимоий давлат // <http://xushnudbek.uz>.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243-сон.

юқори даражада бўлиши билан таъминланган ижтимоий ва маданий ҳаётда имкон қадар узоқ вақт иштирок этишни кафолатлайдиган ғамхўрликдир.

Ижтимоий давлат ижтимоий шерикликнинг ривожланган институтлари, яъни бозор иқтисодиёти амал қиладиган ривожланган жамиятга хос бўлган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос турларисиз мавжуд бўла олмайди. Ижтимоий муносабатларнинг мазкур тури, энг аввало, умумий, бир-бирига айнан ўхшаш қизиқишлардан ташқари, бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий интилишлар билан тавсифланади. Шу билан бир пайтда, ушбу муносабатлар қарама-қаршилиikka эмас, балки ижтимоий муроСага, ҳамжиҳатликка, ижтимоий шериклик томонларининг ўзига хос манфаатларини амалга оширишда мақбул мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлиб, бунда тадбиркор, мулк эгаси барқарор фойда олишни, ёлланма ходимлар эса ушбу жамият мезонлари бўйича муносиб саналган турмуш шароитларини таъминлай олади.

Ижтимоий шериклик – давлат тузилмалари, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро манфаатли учбурчагидир (1.2-расм).



1.2-расм. Ижтимоий шерикликнинг таркиби*

*Манба: Ижтимоий шериклик - давр талаби // Маърифат газетаси, №5 (8765) 2015 йил 11-февраль

Уларнинг ҳамкорлиги қанчалик кучайса, жамият шунчалик кучаяди. Фуқаролик жамияти жамоатчилик назоратини ўрнатади, одамларга миллий

умуминсоний кадриятларга риоя қилиш, ижтимоийлашув ва тарбиялашувга қаратилган, барча учун фойдали ечимларни таклиф қилади⁶.

Ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари қуйидагилардан иборат:

– нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкӣ, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

– нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш;

– нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалари бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш⁷.

Ёлланма ходимлар ва иш берувчиларгина моҳиятан ижтимоий ҳамкорлар саналади, деган фикрлар ҳам мавжуд⁸. Шу сабабли ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш давлатнинг аралашувисиз, яъни бу муносабатлар иштирокчилари ўртасида шартнома эркинлиги билан янги яхши даражада таъминланади. Фақат истисно ҳоллардагина давлат уларга олий даражадаги ҳакам ролида ёрдамга келиши мумкин.

Бироқ давлатнинг ҳаддан ташқари аралашувига ҳақиқатда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатнинг тарихий тажрибалари ва халқаро амалиётнинг кўрсатишича, ижтимоий-меҳнат муносабатлари

⁶ Исмаилов А.Р. Бандликни тартибга солишда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти // Ж. Иқтисод ва молия журнали. - №12. Тошкент, 2013 йил. – 31-б.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

⁸ Потемкин В.К., Казаков Д.Н. Социальное партнерство: формирование, оценка, регулирование. - СПб.: РАЕН, 2002. – С.201.

соҳасида давлат васийлик қилиши, боз устига, маъмурий буйруқбозлик – жуда ҳам зарар келтирадиган ҳолат ҳисобланади.

Давлатнинг меҳнат муносабатларига маъмурий аралашувига (қасаба уюшмалари ҳуқуқларининг камситилиши, қонуний иш ташлашларнинг таъқиқланиши ва ҳ.к.) нисбатан салбий муносабатда бўлиш мумкин, бироқ, иккинчи томондан, давлатнинг ижтимоий мурасага эришиш борасида зарур иштирокчи сифатидаги роли муҳим эканлигини тан олмасдан бўлмайди. Масалан, корхонада жамоа шартномасини имзолашда давлат унда бевосита иштирок этмайди. Лекин шу ерда ҳам кўз илғамас даражада мавжуд бўлади. Бунда давлат қонунчилик йўли билан энг кам иш ҳақи даражаси ва меҳнат шароитларини белгилашда намоён бўлади, шартнома ва келишувларда ушбу белгилаб қўйилган даражадан пасайишга йўл қўймайди.

Давлатнинг ижтимоий шерикликдаги ўрни фақат умумиктисодий функциялар ва тартибга солувчилик роли билан чегараланиб қолмайди. Давлат ижтимоий шерикликда уч хил ролда иштирок этади: мулкдор, қонун чиқарувчи ва ҳакам (воситачи).

Давлат энг йирик мулкдор, иш берувчи бўлиб келган ва шундай бўлиб ҳам қолади. Ижтимоий шерикликда давлатнинг ташкилотчи сифатидаги роли ижтимоий ҳамкорлар эришадиган келишувларни қонунчилик асосида мустаҳкамлаш бўйича функцияларни ўз зиммасига олиши, бундай келишувларни ишлаб чиқиш учун шароитлар яратиши, уларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан назоратни таъминлаши лозим. Ижтимоий шериклик борасида Ўзбекистонда юзага келган моделнинг асоси бир қатор қонунлар ва норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Хусусан, у бугунги кунда жамоа шартномалари асосидаги муносабатлар жараёнларида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий шериклик бўйича ишларни ташкилий таъминлаш доирасида қуйидаги мувофиқлаштириш вазифаларини ҳам ҳал қилиш зарур:

– бош келишувни тармоқ ва минтақавий келишувлар билан боғлаш;

– ҳукумат иштирокида ва унинг иштирокисиз ҳал этиладиган муаммолар рўйхатини белгилаш;

– уч тарафлама комиссия ишини мувофиқлаштириш. Бу давлатнинг энг муҳим функцияси ҳисобланади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг умумий муаммолари, ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналишлари мамлакат даражада белгиланади ва мувофиқлаштирилади ҳамда барча келишув томонлари, яъни ҳукумат, иш берувчилар ва ходимлар иштирокида республика ва ҳудудий даражада аниқлаштирилади. Меҳнатдан фойдаланишнинг муайян масалалари, локал ижтимоий-иқтисодий муаммолар ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллари томонидан ҳукуматнинг иштирокисиз ҳал этилиши лозим, чунки бу қарорлар моҳиятан бош келишув томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши бўлади.

Ижтимоий шериклик шароитларида давлатнинг роли меҳнат ва ижтимоий қонунчиликни ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги пайтда ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари мамлакатда ривожланмоқда. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларига доир турли масалалар Ўзбекистон Республикасининг 30 та қонунида ва юздан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатида мустаҳкамланган. Булар, авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари бўлиб, уларга мувофиқ давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида нодавлат нотижорат ташкилотларини турли шаклларда қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ижтимоий шериклик соҳасида халқаро ҳуқуқ меъёрларини тизимли равишда жорий қилиб бориш, унга алоқадор бўлган ва энг аввало, амалдаги қонунчилик билан таққослаганда ходимлар ва иш берувчилар учун имтиёзли шароитларни кўзда тутадиган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификация қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий шериклик соҳасида Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига қуйидагилар киради:

– Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисидаги 98-конвенция (ЎзР Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 496-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган);

– Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 122-конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга ЎзР Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 86-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган);

– Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 135-конвенция (ЎзР Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 494-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган);

– Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 154-конвенция (ЎзР Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 495-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган)⁹.

Давлатнинг иш берувчи сифатидаги функциялари унинг ижтимоий шерикликдаги ҳакамлик, воситачилик функцияларидан аниқ ажратилган бўлиши лозим. Токи давлат мулкдор ва иш берувчи саналар экан, у ёмон ҳакам бўлиб қолаверади. Шу сабабли давлатнинг мулкдор ва ходим ўртасидаги муносабатларга аралашуви фақат меҳнат муносабатларининг у ёки бу жиҳати меҳнат қонунчилигини бузган ҳолларда, низолашувчи иккала

⁹ Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. / Ўзбекча нашр учун масъул муҳаррир А.Х.Саидов. — Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. — 240 бет.

томон мурасага кела олмаган ҳолларда, эришилган муросали қарор давлат манфаатларига зарар етказган ҳоллардагина рўй бериши мумкин.

Низода иштирок этувчи ижтимоий шериклик томонлари қоидага кўра, бир қатор сабабларга кўра давлатнинг аралашувини афзал деб билади, чунончи:

– давлат ташкилотлари инсонлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган моддий воситаларга эга бўлиб, бу воситалардан мақсадли фойдаланиш низонинг давом этишига токи у жиддий равишда чекланмагунга ёки тўхтатилмагунга қадар жиддий таъсир этиши мумкин;

– давлат ташкилотлари иқтисодий жарима ва маъмурий таъсир чоралари кўриш учун қонуний имкониятларга эга;

– ҳукумат ахборотнинг катта қисмини ўз қўл остида марказлаштиради. У ижтимоий низо сабабчиси бўлган вазият ҳақида объективроқ ва яхшироқ хабардор бўлиб, низо томонларини уларни безовта қилаётган муаммоларни тинч йўл билан муҳокама қилишга чақирган ҳолда бу ахборотдан самаралироқ фойдаланиши мумкин, боз устига, оммавий ахборот воситалари ҳам асосан давлатга тегишли бўлади;

– ваколатлиликдан ташқари, ҳукуматнинг манфаатдор бўлмаган ҳакамлик имкониятлари қонуний ҳукумат обрўси мустаҳкам аънаналарига, фуқаролар бўйсуниси ва итоат қилиш аънаналарига таянади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулиятини тан олиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб, ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун Бош келишувни тузганлар¹⁰.

Бизнинг фикримизча, давлат меҳнат бозорининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг янада юксалтирилишини ижтимоий шериклар (қасаба уюшмалари, иш берувчилар) билан ўз мақсади деб эътироф этгани ҳолда янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида қуйидагиларни амалга ошириши тавсия қилинади:

– барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратиш;

– Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш;

– ижтимоий шериклар томонидан янги иш ўринлари яратилиши устидан давлат назорати ва жамоатчилик мониторингини йўлга қўйиш;

– чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишини назорат қилиш, бошқа кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари учун шу каби талаблар ишлаб чиқилиши ҳамда жорий этилиши чораларини кўриш;

– давлат иштирокида бизнес ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида тўғридан тўғри мулоқотни йўлга қўйиш. Бунда ижтимоий шерикларнинг мустақиллиги

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун Бош келишув // <https://kasaba.uz>.

уларнинг мустақил қарор қабул қилиши, жавобгарлик масъулияти ва етуклигидан далолат беради. Давлат эса холис ҳакам ва асосий ҳамкор сифатида иштирок этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижтимоий шериклик бу шундай муносабатларнинг кўринишики, ундан барча ижтимоий гуруҳлар ва давлат объектив манфаатдор бўлади, сабаби унда жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига, унинг тараққиётига, ижтимоий-иқтисодий ривожига эришилади, бу эса фуқаролик жамиятини шаклланишининг юксак чўққисига эришиш учун замин яратади.

Хусусан, бугунги кунда ушбу соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар, қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган чоратadbирлар натижаси ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришининг энг муҳим кафолатидир.

1.3. Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тажрибалари

Ижтимоий шериклик – бу келишув жараёни бўлиб, унда умумий ижтимоий мақсадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаб турувчи институтлар, механизмлар ва жараёнлар тизими тушунилади. Ижтимоий шериклик кенг тушунча бўлиб, унинг мазмунини турли нуқтаи назардан келиб чиқиб талқин қилиш мумкин. Тор доирада ижтимоий шериклик меҳнат муносабатларининг махсус тури ҳисобланади. Кенг маънода эса ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро махсус ҳамкорлиги бўлиб, ҳамкорликка қаратилган объектнинг қандай бўлишидан қатъий назар, яъни нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларини

амалга ошириш кабилар ҳам бўлиши, манфаатларнинг ягона бир соҳадаги муштараклиги тушунилади.

Хорижий давлатларнинг бу йўналишдаги амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, ижтимоий шерикликнинг дастлабки ҳуқуқий асослари Бельгияда 1948 йилда, Германияда 1952 йилда, Австрияда 1957 йилда, Францияда 1958 йилда ва Шимолий Европа давлатларида 1970 йилларда уларнинг конституция ва қонунлари қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Ижтимоий шериклик муносабатларининг тарафлари бўлиб асосан иш берувчи, ходим ва давлат (трипартистик) кўринишида намоён бўлган. Ижтимоий шериклик учта даражада – миллий, тармоқлараро ва корхоналар даражасида амалга оширилган.

Саноати ривожланган мамлакатларда ижтимоий шериклик турли кўринишларда намоён бўлган. Хусусан, корпоратив тизим махсус орган (институт), жараёнлар ва механизмлардан фойдаланишни назарда тутди. Бу кўриниш Австрия, Швеция, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландияда кенг тарқалган. Масалан, Австрияда ижтимоий шериклик ҳам умуммиллий, ҳам тармоқлараро даражада кенг тизимли маслаҳат кенгашлари ва кўмиталари орқали амалга оширилади. Ижтимоий шерикликнинг махсус институтлари мавжуд бўлмаган давлатларда плюралистик тизим амал қилади (Буюк Британия, АҚШ, Канада). Бу ерда қарама-қарши манфаатларнинг келишуви оддий сиёсий жараён (партия, парламент, касаба уюшмалари) орқали бутун жамият даражасида, ходим билан иш берувчи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш эса алоҳида корхоналар даражасида амалга оширилади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа мамлакатларининг самарали ҳаракати натижасида уларнинг аксарият ҳудудларида тадбиркорлар, касаба уюшмалари ва давлат ташкилотлари вакилларида иборат бўлган миллий ижтимоий-иқтисодий кенгашлар тузилди. Жумладан, Италияда 1947 йилда Иқтисодий ва меҳнат миллий кенгаши, Белгияда 1948 йилда Марказий

иқтисодий кенгаш, 1952 йилда эса Меҳнат бўйича миллий кенгаш, Нидерландияда 1950 йилда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, кейинчалик эса меҳнат муаммолари бўйича кенгашлар ташкил топган. Францияда 1958 йилдан ва Англияда эса 1962 йилдан ҳозирга қадар Иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар фаолият юритиб келмоқда.

Франция Республикаси Конституциясининг (1958 йил 4 октябрдаги) XI бобида Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра Кенгашга Ҳукуматнинг сўровига асосан қонун лойиҳаларига, ордонанс (қонун кучига эга бўлган ва Парламент рухсати билан ҳукумат томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар) ва директивалар, қонунчилик таклифлари юзасидан хулоса бериши, палаталар Парламентида унга тақдим этилган қонун лойиҳалари ва қонунчилик таклифлари юзасидан хулосани эшиттириш мақсадида ўз аъзосини тайинлаши, иқтисодий ва ижтимоий характердаги исталган муаммолар юзасидан ҳукуматга маслаҳатлар бериши мумкинлиги белгиланган. Франция амалиётида яна бир жиҳатни кўриш мумкинки, 2004 йилдан кейин республикада ижтимоий қонунларни қабул қилиш юзасидан қонунчилик ташаббуси ижтимоий шерикларнинг дастлабки муҳокамасисиз амалга оширилмади. Бу эса бир қанча "сиёсий тўлқинлар"ни олдини олишга сабаб бўлди.

Ижтимоий ҳамкорликнинг аниқ кўзга ташланадиган шакли ижтимоий шерикчиликдир. Жаҳон тарихи ва тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий ҳамкорлик ишчилар синфининг илк қасаба уюшмалари пайдо бўлган даврларда ижтимоий шерикчилик тарзида намоён бўла бошлаган. Шу даврдан бошлаб иш берувчилар ва меҳнаткашлар ўртасида ўзига хос муроса юзага келиб, у ишлаб чиқариш соҳасидаги шерикчилик шаклига кирди. Бугунга келиб, ижтимоий шерикчиликнинг бир неча модели мавжуд. Қуйида уларга қисқача тўхталамиз:

1) Шимолий Европа мамлакатлари — Швеция, Финляндия, Норвегия, Бельгияда кенг тарқалган моделга кўра давлат меҳнат муносабатларида ва уларни бошқаришда фаол қатнашади. Бундан ташқари, мазкур моделда умуммиллий, тармоқ ва корхона-муассаса даражасидаги шерикчилик муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Бельгияда умуммиллий даражада меҳнат бўйича миллий кенгаш фаолият юритади. Унга ҳар уччала ҳамкор ҳисобидан тенг сонли иштирокчилар киритилган. Давлат қонунчилик вазифасини ўз зиммасига олади. Тармоқ даражасида эса «паритет комиссиялар» тузилади. Корхона-муассаса даражасида масалалар икки томонлама, яъни иш берувчи — касба уюшмаси муносабатлари асосида кечади.

Мутахассисларнинг фикрича, айнан мана шу шерикчилик туфайли жамиятда ижтимоий барқарорлик сақлаб қолинмоқда.

2) АҚШ, Канада, Япония ва Лотин Америкаси мамлакатларида ижтимоий шерикчилик корхона-муассаса даражасида амал қилиши билан ажралиб туради. Бунда иш берувчилар бирлашмалари, худди касба уюшмалари сингари, ўз вакиллари орқали қонун чиқариш жараёнига, шу орқали ижтимоий шерикларга ўз таъсирларини ўтказишга уринадилар.

3) Германия, Австрия, Голландия, Швейцария каби давлатларга ҳос моделни биринчи ва иккинчи моделларни боғловчи ҳалқа сифатида тасаввур этиш мумкин. Бу моделда асосий эътибор тармоқ даражасига қаратилади. Бутун мамлакат миқёсида уч томонлама келишувлар қабул қилинмайди, балки мажбурий бўлмаган маслаҳатлар билан кифояланилади. Асосий музокара жараёни эса тармоқларда кечади. Корхоналарда жамоа шартномалари тузилмайди. Корхона тармоқ шартномасига амал қилади ва унинг талабларини бажаради. Бундай моделни татбиқ этишнинг шаклларида бири «намунавий» шартномадир. Мисол учун, Германия саноатидаги «JGMetall» компаниясининг шериклик шартномаси узоқ вақт бутун немис иқтисодиёти учун намуна вазифасини ўтаб келган.

Умуман олганда, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари даражасида ижтимоий шерикчилик фаол ривожланмоқда. ЕИ уч томонлама моделни кўллаб келаяпти. Хусусан, 1992 йили Маастрихт шаҳрида ЕИ ижтимоий шериклари томонидан (Буюк Британиядан ташқари) имзоланган ҳужжатда иттифок ўзининг чора-тадбирларини мувофиқлаштириш мақсадида иш берувчилар ва ишчилар вакилларини шериклар сифатида эътироф этди.

Уч томонлама (трипартизм) модели 1995 йилда Копенгаген шаҳрида, БМТ шафелигида ўтказилган ижтимоий тараққиёт мавзусидаги йиғилишда ҳам маъқулланган. Мазкур анжуманда ижтимоий тараққиётга ёлғиз бозор механизмига таянган ҳолда эришиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда қашшоқликка қарши кураш ва иш билан таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг вазифаси экани бир неча халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, 1961 йили Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган ижтимоий хартияда мамлакатлар фуқароларнинг қуйидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олдилар:

- меҳнат қилиш ҳуқуқи;
- адолатли рағбатлантирилиш ҳуқуқи;
- муносиб шарт-шароитда ишлаш ва дам олиш ҳуқуқи;
- бирлашиш ва жамоа шартномалари тузиш ҳуқуқи.

Уч томонлама ҳамкорликни татбиқ этишнинг асосий принциплари Халқаро меҳнат ташкилотининг кўплаб тавсияларида ҳам ўз аксини топган.

Агар юқорида ижтимоий шерикчиликнинг биринчи мезони сифатида музокара тилга олинган бўлса, турли мамлакатларда иккинчи мезон меҳнаткашларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида турли вакилликларда иштирок этиши саналади. Бунда ҳам учта ўзига хос модел мавжуд.

Касаба уюшмалари вакиллиги моделида касаба уюшмалари қонунга кўра хатто уюшмага аъзо бўлмаган меҳнаткашларнинг ҳам вакили ҳисобланади. Бу модел АКШ, Канада, Япония, Ирландия ва бошқа мамлакатларда учрайди.

Соф вакиллик моделида меҳнат жамоаси ўз вакиллари қорхона кенгашига сайлайди. Бу вакиллар тўғридан-тўғри иш берувчи билан музокаралар олиб боради. Тўғри, кўп ҳолларда бундай кенгаш маслаҳат-маълумот ваколатига эга бўлади. Шунинг учун кенгаш фикрининг ҳисобга олиниш даражаси жамоа шартномасида алоҳида белгиланган бўлиши керак. Бундай моделдан Испания, Греция, Португалия ва бошқа мамлакатларда фойдаланишади.

Аралаш вакиллик моделида меҳнат жамоаси томонидан сайланадиган кенгашларга иш берувчининг вакиллари ҳам киритилади. Бу ҳолда кенгаш ваколатлари анча кенгайди, кенгаш консенсус асосида қарорлар қабул қилинишида иштирок этади. Фақат қарор қабул қилиниши мумкин бўлган масалалар доираси (қун тартиби, меҳнат муҳофазаси, меҳнат шароити, иш вақтининг давомийлиги) қонунчиликда ўз аксини топиши ёки ўзаро келишувга асосланиши керак.

Мисол учун, Францияда қорхона раҳбари қонунга кўра кенгашга ҳар йили хўжалик фаолияти, иш ҳақи, штатлар ва меҳнат шароитидаги ўзгаришлар ҳақида ҳисобот бериб туриши керак. Агар раҳбар бу масалалар бўйича кенгаш билан маслаҳатлашмасдан қарор қабул қилса, кенгаш талабига кўра бу қарор суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Бундай модел Бельгия, Дания, Ирландия ва бошқа мамлакатлар учун ҳам ҳосдир.

Таъкидлаш жоизки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси айнан фуқаролик жамияти институтлари олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Хусусан, давлат ва жамиятнинг янада демократлашувида сиёсий партияларнинг роли катта. Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларига ҳам

боғлиқ. Бу эса депутатлар ишини қайта кўриб чиқиш ва замон талабларига мослаштиришни талаб этади. Биринчи навбатда, сессиялар кун тартибига олиб чиқиладиган ҳар қандай масала чуқур ўрганилиб, ундан кейингина ижро ҳокимияти органлари иштирокида муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда сайловчиларнинг мулоҳазаларини эшитиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Чунки муайян масала юзасидан қабул қилинадиган қарорларда ундан манфаатдор қатламнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топса, ҳаётга татбиқ этиш осон кечади ва фуқароларда ҳокимият ишларига дахлдорлик туйғусини кучайтиради.

Концепцияда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти бўлган маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш белгилаб берилган эди.

Дарҳақиқат, маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги аҳамиятини ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, янги таҳрирда қабул қилинди.

Қонуннинг энг муҳим моддаларидан бири 11-модда бўлиб, унда шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари мустақамлаб қўйилди. Фуқаролар йиғинида раис вазифаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонуннинг 14-моддасига кўра у нафақат йиғинни чақиради, балки масъул котиб, комиссиялар раислари ва аъзолари номзодини йиғинга тақдим этади. Энг муҳими, раис фуқаролар йиғини ва унинг органлари қарорлари ижро этилишини ташкил этади.

Хуллас, асосий эътибор маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг жамиятдаги

фаоллигини ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ишларининг самарадорлигига қаратилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлиги ҳамон юқорилигича қолмоқда, бу эса коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маҳалла комиссиялари ўз ишларини қайтадан кўриб чиқиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтиришлари, давлат корхоналари билан биргаликда жамоатчилик назоратини ўрнатишлари зарур. Бу ижтимоий ҳамкорликнинг энг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини иш билан таъминлашдир. Экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси, фоҳишалик каби глобал иллатларнинг осуда ҳаётимизга раҳна солишга уриниши тобора кучаяётгани ижтимоий ҳамкорликни барбод қилишга қаратилгани билан ҳам хавфлидир. Демак, аҳоли ўртасида ташвиқот ва тарбиявий ишларни кучайтириш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш ўз самарасини бермай қолмайди.

I боб бўйича хулоса

1. Меҳнат бозорини ривожлантириш механизмлари ёлланма ходим, ташкилот ва давлат иқтисодий манфаатларининг мувазанатини таъминлаш мақсадига мос келиши, ушбу механизмларни ишлаб чиқиш ва қўллаш вазифаси эса давлат ва жамиятнинг манфаатлари йўлида ёлланма ходим ва ташкилотнинг меҳнат фаоллигини ошириш учун уларга таъсир этиш усуллари ва воситалари тизимини яратишдан иборат бўлиши керак. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, меҳнат жараёни барча иштирокчилари иқтисодий манфаатларининг мувазанатини таъминлаш мақсади уни амалга оширишнинг ўта мураккаблиги билан фарқ қилади, бу нафақат манфаатни шакллантиришнинг асосида ётувчи эҳтиёжлар субъективизмининг юқори

даражаси билан, балки кўпинча меҳнат бозорининг турли субъектларида эҳтиёжларнинг тўлиқ диаметрал қарама-қаршилиги билан шартланган.

2. Давлат меҳнат бозорининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг янада юксалтирилишини ижтимоий шериклар (қасаба уюшмалари, иш берувчилар) билан ўз мақсади деб эътироф этгани ҳолда янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида қўйидагиларни амалга ошириши тавсия қилинади: барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратиш; ижтимоий шериклар томонидан янги иш ўринлари яратилиши устидан давлат назорати ва жамоатчилик мониторингини йўлга қўйиш; чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишини назорат қилиш, бошқа кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари учун шу каби талаблар ишлаб чиқиши ҳамда жорий этилиши чораларини кўриш.

3. Ижтимоий давлатда, энг аввало, меҳнатга лаёқатли аҳолининг максимал даражадаги иш билан бандлиги; ишлаб чиқариш кучларининг жамият манфаатларида ривожланиши ва меҳнат унумдорлигини ошириш; ёлланма ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий-меҳнат муаммоларини ҳал қилишда иштирок этишини назарда тутадиган иқтисодий демократия, ижтимоий боқимандалик омилларини истисно қилган ҳолда шахснинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, жамиятнинг қатламларга бўлиниши ва даромадлар даражасида асоссиз равишдаги тафовутларга йўл қўймайдиган тарзда даромадларни барча тоифадаги ва қатламдаги фуқаролар ўртасида оқилона тақсимлаш кўзда тутилади.

II БОБ. ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унинг аҳолини иш билан таъминлашга таъсири

Барқарор иқтисодий ўсиш концепциясига мувофиқ, Бувайда туманида самарали ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Туман иқтисодиётининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш аҳоли турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич ошириш учун шарт-шароит яратади (2.1-жадвал).

2.1-жадвал
**Бувайда туманида ресурслардан самарали фойдаланиш
индикаторлари***

Индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	Й и л л а р				
		2012	2013	2014	2015	2016
Меҳнат унумдорлиги	%	106,8	106,0	105,3	105,7	105,2
Капитал қайтими	%	102,2	96,1	89,3	86,5	90,8
Энергия қайтими	%	107,1	106,3	104,8	106,2	106,4
Материал қайтими	%	102,3	108,7	102,2	101,8	101,0
Ҳосилдорлик	%	102,9	102,2	103,7	104,2	103,4
Ишлаб чиқариш омилларининг унумдорлиги	ялпи %	4,8	2,4	-0,2	1,0	2,5

* Жадвал Бувайда туман ҳокимлиги маълумотлари асосида тузилган.

2.1-жадвалан кўринадики, 2012-2016 йилларда Бувайда туманида меҳнат унумдорлиги, капитал қиймати, энергия қиймати, материал қиймати ва ишлаб чиқариш омилларининг ялпи унумдорлиги камайган, аксинча ҳосилдорликнинг 2,9 фоиздан 3,4 фоизгача ортган. Жадвал маълумотлари туман иқтисодиёт ривожланишининг барча макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, капитал қайтимини истисно қилганда, яхшиланди. Жумладан,

меҳнат унумдорлиги ва энергия қайтими кўрсаткичлари тез суръатлар билан ривожланиб ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш манбалари таркибида интенсив ўсиш омиллари улушининг ортиб бораётганини ифода этади.

Бувайда тумани ҳокимлигининг маълумотларига кўра, туманда аҳоли ва меҳнат ресурслари сони мунтазам кўпайиб бормоқда (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Бувайда туманида аҳоли сони ва меҳнат ресурслари таркиби динамикаси (киши ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	Йиллар				2016 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
	2013	2014	2015	2016	+,-	%
Аҳоли сони	208055	216703	225351	231300	23245	111,1
Меҳнат ресурслари сони	113390	120128	127278	133472	20082	117,7
Аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши, %	54,5	55,4	56,4	57,7	3,2	-
<i>шундан:</i>						
Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар	110917	117400	126889	133075	22158	119,9
Ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар сони	2473	2728	389	397	-2076	16,0

* Жадвал Бувайда туман ҳокимлиги маълумотлари асосида тузилган.

2.2-жадвалдан кўринадикки, 2013-2016 йилларда Бувайда туманида аҳоли сони 208,0 минг кишида 231,3 минг кишига кўпайган. Яъни бу даврда аҳоли сони 23,1 минг кишига ёки 11,1 фоизга кўпайган. Таҳлил қилинаётган даврда туман аҳолиси сонининг кўпайиши билан бирга меҳнат ресурслари сони ҳам ортиб борган. Агар 2013 йили туманда меҳнат ресурслари сони 113,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу миқдор 133,4 минг кишига етган. Бошқача қилиб айтганда, ўтган тўрт йил давомида меҳнат ресурслари сони 17,7 фоизга ортган. Қиёсий таҳлиллар Бувайда туманида меҳнат ресурслари сонининг аҳоли сонидан юқори суръатда ўсганлигини кўрсатди.

Жадвалда келтирилган маълумотлар аҳоли таркибида меҳнат ресурслари улушининг мунтазам кўпайиб бораётганлигини ва унинг 2009 йилдаги 54,5 фоиздан 57,7 фоизгача ортганлигини кўрсатади.

Маълумки, меҳнат ресурслари меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар ҳамда ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлардан таркиб топади. Олиб борилган таҳлиллар Бувайда туманида меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар сонининг 110,9 минг кишидан 133,0 минг кишига ёки 19,9 фоизга ортганлигини кўрсатади. Бироқ кўрилаётган йиллар давомида туманда ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар сони 84 фоизг қисқарган.

Олиб борилган таҳлиллар Бувайда туманида меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли сонининг юқори суръатда ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

2013-2016 йиллар давомида Бувайда туманида иқтисодий фаол аҳоли сони 74,8 минг кишида 88,7 минг кишига ортган. Одатда, иқтисодий фаол аҳоли меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлардан ташкил топади.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли меҳнат билан банд ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;
- ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари;
- уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;
- кўчар ва кўчмас мулкдан даромад олаётган ишламаётган шахслар;
- ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

Таҳлил қилинаётган даврда туманда иқтисодий нофаол аҳоли сони 38,5 минг кишидан 45,6 минг кишига ортган.

Бувайда тумани меҳнат ресурсларининг 66,4 фоизини иқтисодий фаол аҳоли ташкил этади (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Бувайда туманида иқтисодий фаол аҳоли сони ва таркиби динамикаси
(киши ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	Йиллар				2016 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
	2013	2014	2015	2016	+,-	%
Меҳнат ресурслари сони	113390	120128	127278	133472	20082	117,7
Иқтисодий фаол аҳоли сони	74889	78161	85454	88726	13837	118,4
Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳолининг улуши, %	66,1	65,0	67,1	66,4	0,3	-
<i>шундан:</i>						
Иш билан банд аҳоли сони	71295	74524	80883	83938	12643	117,7
Ишга жойлашишга муҳтож бўлган аҳоли сони	3594	3637	4571	4788	1194	133,2

* Жадвал Бувайда туман ҳокимлиги маълумотлари асосида тузилган.

2.3-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Бувайда туманида меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 2013 йилдаги 74,9 минг кишидан 2016 йилда 88,7 минг кишига етган. Ўтган беш йил давомида иқтисодий фаол аҳоли сони 18,4 фоизга кўпайган. Қиёсий таҳлиллар туманда иқтисодий фаол аҳоли сонининг ўсиш суръати меҳнат ресурслари сонига нисбатан юқори суръатда кўпайган.

Таҳлиллар кўрсатишича, Бувайда туманида иқтисодий фаол аҳоли таркибида иш билан банд аҳоли сони 2013 йилдаги 71,3 минг кишидан 2016 йилда 83,9 минг кишига ёки 17,7 фоизга ўсган. Инсон ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлган фаолиятда машғул бўлиши натижасида у банд кишига айланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган

аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сонли қарори¹¹га асосан, иш билан бандлар таркиби таснифланган.

Бувайда туманида меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий нофаол аҳоли сони ортиб бормоқда (2.4-жадвал)

2.4-жадвал

**Бувайда туманида иқтисодий нофаол аҳоли сони ва таркиби динамикаси
(киши ҳисобида)***

Кўрсаткичлар	Йиллар				2016 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
	2013	2014	2015	2016	+,-	%
Меҳнат ресурслари сони	113390	120128	127278	133472	20082	117,7
Иқтисодий нофаол аҳоли сони	38501	41967	41824	45655	7154	118,5
Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий нофаол аҳолининг улуши, %	33,9	34,9	32,8	34,2	0,3	-
<i>шундан:</i>						
Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ёшлар	10782	11488	10970	14580	3798	135,2
Икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар	10010	9689	11934	11373	1363	113,6
Ишлашни хоҳламайдиган шахслар	17709	20790	18920	19702	1993	111,2

* Жадвал Бувайда туман ҳокимлиги маълумотлари асосида тузилган.

2.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш Бувайда туманида меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий нофаол аҳоли сони 2013 йилдаги 38,5 минг кишидан 2016 йилда 45,6 минг кишига ортган. Кўрилаётган даврда туманда иқтисодий нофаол аҳоли сонининг ўсиш суръати меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Шу билан бирга, ўтган беш йил

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сонли қарори // www.lex.uz.

давомида меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий нофаол аҳолининг улуши 2013 йилдаги 33,9 фоиздан 2016 йилда 34,2 фоизга ёки 0,3 бандга ортган.

Туман бўйича иқтисодий нофаол аҳоли таркибининг таҳлили ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ёшлар сонининг 2013 йилдаги 10,8 минг кишидан 2016 йилда 14,5 минг кишига ёки 35,2 фоизга кўпайган. Бу даврда икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар сонининг 13,6 фоизга, ишлашни хоҳламайдиганлар сонининг эса 11,2 фоизга ортганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат туманда таълим олишга қизиқаётган ёшлар сони, туғилишнинг нисбатан юқорилиги сабабли икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар сонининг ортаётганлигини кўрсатмоқда.

2.2. Бувайда туманида аҳоли иш билан бандлиги ҳолатининг таҳлили

Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, меҳнат соҳасидаги инсонларнинг эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади ва аҳоли даромадларини оширишнинг асосий элементи ҳисобланади.

Иш билан бандлик – бу иқтисодий фаол аҳолининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад келтирадиган фаолиятга эга бўлишидир. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига асосан иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир¹². Демак, иш билан банд бўлган ходим уч шартга жавоб бера оладиган фаолият билан шуғулланиши лозим: биринчиси, қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, иккинчидан, жамият аъзоларининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, учинчидан бу фаолият ходимга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни // [www. lex.uz](http://www.lex.uz).

бўлиши зарур.

Мамлакатларда меҳнатда бандлик ва ишсизликни кўп йиллик ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнатга яроқли аҳолининг 94-95 фоизи меҳнатда банд бўлса, иқтисодийёт меъёрида ривожланаётган ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари балансига кўра, иш билан банд аҳоли таркиби иқтисодийётнинг расмий секторида бандлар, иқтисодийётнинг норасмий секторида бандлар ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслардан иборат. Статистик маълумотларга кўра, юқоридаги уч тоифадаги бандлар сони ортиб бормоқда.

Бувайда туманида иқтисодийётнинг расмий секторида иш билан банд бўлган аҳоли сони 2013 йилдаги 33,1 минг кишидан 2016 йилда 41,2 минг кишига ортган. Шу билан бирга, кўрилаётган даврда иқтисодийётнинг норасмий секторида иш билан банд аҳоли сони ҳам кўпайиб, 2013 йилдаги 36,6 минг кишидан 2016 йилда 40,5 минг кишига ортган.

Туманда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони ўтган беш йил давомида 1547 нафардан 2252 нафарга ортган.

Айтиш жоизки, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида” 97-сонли қарори¹³ билан тасдиқланган Схема бўйича, қуйидагиларни ўз ичига олувчи интеграциялашган ахборотлар модули асосида аниқланади:

а) чет элга кетганларнинг сони ва мақсади тўғрисида божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли асосидаги ҳар чораклик статистика ҳисоботи маълумотлари;

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида” 97-сонли қарори // www.lex.uz.

б) меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ҳар йилги социологик ўрганишлар маълумотлари;

в) меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошириш учун фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар маълумотлари;

г) Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;

д) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ҳар чораклик ўрганишлар маълумотлари.

Энди иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан банд бўлганлар тоифаси ва улар таркибидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар давлат статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқланади ва ҳисоблаб чиқилади ҳамда кўйидагилардан иборат бўлади:

- ёлланиб (меҳнат шартномаси бўйича), шу жумладан сайланадиган лавозимларда ишлаётган доимий, вақтинчалик ва мавсумий ходимлар;

- ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари;

- кооперативлар ва ширкатлар аъзолари;

- хусусий корхоналар эгалари (иш берувчилар), шу жумладан фермерлар;

- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар;

- нодавлат ноижорат ташкилотлари ходимлари¹⁴.

Бувайда тумани бандликка кўмаклашиш маркази маълумотларига кўра, иқтисодиётнинг расмий секторида банд аҳоли таркибида кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар, юридик шахс бўлмасдан

¹⁴ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. - Б.75-76

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар, деҳқон хўжаликларида иш билан бандлар сони ортган, аксинча йирик бизнесда бандлар сони камайган (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

Бувайда туманида иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар сони динамикаси (киши ҳисобида)*

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2016 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	
		2014	2015	2016	+,-	%
1.	Иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар сони	34945	36736	41232	6287	117,9
	<i>Шундан:</i>					
1.1.	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлар сони (йирик бизнесда)	9465	8919	9256	-209	97,8
1.2.	Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони	11410	11809	12297	887	107,7
1.3.	Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар сони	888	938	826	-62	93,0
1.4.	Деҳқон хўжаликларида иш билан бандлар сони	13099	14057	14545	1446	111,0
1.4.1.	Шу жумладан меҳнат органларида йирик шохли қорамол боқиш билан банд ҳисобга олинганлар	12994	13950	14510	1516	111,6
1.5.	Бошқа ташкилот ва муассасаларда иш билан бандлар сони	83	1013	4308	4225	5190,3

* Жадвал Бувайда тумани бандликка кўмаклашиш маркази маълумотлари асосида тузилган.

2.5-жадвалдан кўринадики, 2014-2016 йиллар давомида туман бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд аҳоли сони 17,9 фоизга ортгани ҳолда, бу секторда бандлик таркибини таҳлил қилиш унинг бир меъёрда кечмаганлигини кўрсатади. Хусусан, кўрилаётган даврда туманда

кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони 7,7 фоизга, деҳқон хўжаликларида иш билан бандлар сони 11,0 фоиз, меҳнат органларида йирик шохли қорамол боқиш билан банд деб ҳисобга олинганлар сони 11,6 фоиз, бошқа ташкилот ва муассасаларда иш билан бандлар сони 51,9 мартага ортган.

Бироқ, таҳлил қилинаётган даврда иқтисодиёт тармоқларида (йирик бизнесда) иш билан бандлар сонининг 2,2 фоизга, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар сонининг эса 7,0 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

Норасмий иш билан бандлик деб фуқароларнинг ҳеч қандай расмий рўйхат, рухсатнома ва ҳуқуқий асосга эга бўлмаган меҳнат фаолияти билан шуғулланишга айтилади. Шунингдек, ушбу бандлик ҳуқуқий-иқтисодий кафолатланмаган ва ижтимоий ҳимояланмаган ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти нормаларидан келиб чиқиб ҳамда Давлат статистика кўмитасининг ҳисобга олиш ва таснифлаш амалиётига мувофиқ иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар жумласига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида ҳисобга турмаган шахслар киради (2.6-жадвал).

2.6-жадвалдан кўришиб турганидек, 2014-2016 йиллар давомида Бувайда туманида иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлган аҳоли сони 6,8 фоизга кўпайган. Бироқ мазкур секторда иш билан бандлик таркибининг таҳлили унинг бир меъёрда кечмаганлигини кўрсатади. Хусусан, таҳлил қилинаётган даврда расмий меҳнат муносабатларисиз уй хўжалиги ва тадбиркорларга ёрдамлашаётганлар сони 30,2 фоизга ортган, қолган норасмий секторда иш билан бандларга камайиш тенденцияси ҳос бўлган. Яъни, ўрганилаётган даврда вақтинчалик ва мавсумий ишларни бажарувчилар сони, тегишли рухсатнома ва рўйхатларсиз тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлганлар, бозорларда иш билан банд бўлганлар (сотувчилар, харидор ва сотувчиларга хизмат кўрсатувчилар) ва бозорнинг

белгиланмаган жойларида савдо-сотиқ билан банд бўлганлар ва тадбиркорликнинг бошқа турлари билан банд бўлганлар (маиший хизмат кўрсатувчилар, юк ташувчилар, хунармандлар) сони камайган.

2.6-жадвал

Бувайда туманида иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони динамикаси (киши ҳисобида)*

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2016 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	
		2014	2015	2016	+,-	%
1.	Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони	37916	42110	40500	2584	106,8
	<i>Шундан:</i>					
1.1.	Вақтинчалик ва мавсумий ишларни бажарувчилар сони	10021	10832	8104	-1917	80,8
1.2.	Расмий меҳнат муносабатларисиз уй хўжалиги ва тадбиркорларга ёрдамлашаётганлар	16856	21177	21950	5094	130,2
1.3.	Тегишли рухсатнома ва рўйхатларсиз тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлганлар	11039	10101	10446	-593	94,6
1.3.1.	Бозорларда иш билан банд бўлганлар (сотувчилар, харидор ва сотувчиларга хизмат кўрсатувчилар) ва бозорнинг белгиланмаган жойларида савдо-сотиқ билан банд бўлганлар	5652	5187	5421	-231	95,9
1.3.2.	Тадбиркорликнинг бошқа турлари билан банд бўлганлар (маиший хизмат кўрсатувчилар, юк ташувчилар, хунармандлар)	5387	4914	5025	-362	93,2

* Жадвал Бувайда туман ҳокимлиги маълумотлари асосида тузилган.

Айтиш жоизки, норасмий иш билан бандлик қишлоқ жойларида ва ишлаб чиқариш ривожланиши етарли бўлмаган туманларда, шу жумладан демографик омиллар таъсирида ишчи кучи таклифи талабдан кўпроқ бўлган ҳудудларда кўпроқ намоён бўлмоқда. Қишлоқ жойларда банд бўлганларнинг 44,1 фоизи айнан норасмий секторда меҳнат қилмоқда.

Норасмий иш билан бандлик бевосита туманда яширин иқтисодиётнинг авж олишига сабаб бўлади. Чунки:

- норасмий иш билан бандлик ҳеч қандай ҳуқуқий ва иқтисодий асосга эга эмас;
- мазкур секторда иш билан бандлар ўз меҳнат фаолиятлари орқали эртанги кунда ҳам даромад олишлари кафолатланмаган;
- норасмий иш билан бандлар меҳнати ижтимоий ҳимояланмаган ва муҳофазаланмаган;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва инфратузилмаларнинг ўзгариши натижасида ушбу секторда бандлар ўз иш жойларини йўқотиб қўйишлари мумкин;
- ушбу иш билан бандлик мавсумий ва вақтинчалик характерга эга бўлиб, об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариши ҳамда мавсумнинг алмашинуви оқибатида фуқаролар ишсиз аҳоли тоифасига осон айланиб қолишади;
- иш билан бандликнинг мазкур кўринишидан республика ва маҳаллий бюджетга ҳеч қандай солиқ ва мажбурий тўловлар амалга оширилмайди;
- бюджетдан пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлаш бўйича ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради, яъни пенсия жамғармасининг даромадларига нисбатан унинг ҳаражатлари юки ошиб кетади;
- шунингдек, мамлакат иқтисодиёти учун энг муаммоли ҳисобланган ишсизликнинг яширин ва мавсумий турлари айнан норасмий бандлик сабабли вужудга келади.

Фикримизча, яширин иқтисодиётда банд бўлган ходимларни расмий иш билан бандликка ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун, норасмий қонунан тақиқланмаган маҳсулот ишлаб чиқараётган ёки хизмат кўрсатадиган яқка тадбиркорларни ўзлари тўлайдиган солиқ ҳисобидан пенсия жамғармасига тўлов амалга оширилиб, улар фаолиятлари меҳнат дафтарчаларида қайд қилиниши лозим. Норасмий тарзда, оғзаки келишув асосида ишлайдиган ёлланма ишчилар фаолиятини расмий иш билан бандликка ўтказиш учун иш берувчи ва ёлланма ишчи ўртасида тузиладиган келишув ёзма шаклда меҳнат муассасалари ходимлари иштирокида тузилиши

керак. Бунда, бир марталик ишга жойлаштириш тадбирлари яхши йўлга қўйилиши лозим. Аста-секинлик билан иш берувчи билан ишчи ўртасида норасмий келишув асосидаги ишларни камайтириш, бундай ишларни амалга ошираётган иш берувчи ва ходимларни жавобгарликка тортиш ишларини йўлга қўйиш зарур. Бу тадбирлар бир марталик норасмий ишларни бажаришда ходим ва иш берувчи ўртасидаги турли низоларни камайтиради.

2.3. Туманда ишсизлик ҳолатининг таҳлили ва унинг омиллари

Ишсизлик меҳнат бозорининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, бирор бир мамлакат иқтисодиётнинг бу “нуқсони”дан ҳали қутулганича йўқ. Бу тушунча таркибига кирадиганлар сонини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқишдан аввал, тушунчанинг моҳияти, таснифланиши ҳамда ҳозирги кундаги ҳолатини аниқлаш муҳимдир.

Бувайда туманида белгиланган фуқарони ишсиз шахсга берилган таърифнинг бироз камчилиги борки, бунинг натижасида мамлакатда ҳаққоний ишсизлик ҳолатини аниқлаш мушкул. Республикамизда меҳнат бозори инфратузилмасининг, айниқса меҳнат органлари фаолиятининг мукамал шакланмаганлиги ҳамда ишсизларга кўрсатиладиган хизматларнинг мукамал эмаслиги, кўплаб ишсиз фуқароларнинг меҳнат органларига мурожаат қилмасликлари ва бевосита иш берувчилардан бўш иш ўрни излашларига олиб келмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида ишсиз шахс қўйидагича таърифланган: Ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эға бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатға олинган, меҳнат қилишға, касбға тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишға, малакасини оширишға тайёр меҳнат лаёқатли шахслар ишсиз деб

эътироф этилади¹⁵.

Бувайда туманида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази маълумотларига кўра, сўнгги йилларда туманда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони ортиб, иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги улуши эса камайиб бормоқда (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

Бувайда туманида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли таркиби (минг киши ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	Йиллар				2016 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
	2013	2014	2015	2016	+, -	%
Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони, жами	3594	3637	4571	4788	1194	133,2
<i>Шундан:</i>						
Меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сони	3443	3503	4425	4670	1227	135,6
Мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сони	151	134	146	118	-33	78,1

* Жадвал Бувайда туманида Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотлари асосида тузилди.

2.7-жадвалдан кўришиб турганидек, 2013-2016 йилларда Бувайда туманида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони 1194 нафар кишига ёки 33,2 фоизга ортган. Бу ҳолат туманда меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сонининг ортганлиги билан изоҳланади. Яъни, таҳлил қилинаётган йилларда туманда меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 1227 кишига ёки 35,6 фоизга кўпайган. Аксинча мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сони 21,9 фоизга камайган.

Айни вақтда Бувайда тумани Бандликка кўмаклашиш марказининг Халқаро меҳнат ташкилоти методологияси бўйича амалга оширилган ҳисоб-китобларига қараганда, ишсизликнинг реал даражаси 5,4 фоиз атрофида бўлди. Ваҳоланки бу кўрсаткич 2013 йилда 4,8 фоизни ташкил этган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси // www.lex.uz

2013-2016 йиллар давомида Бувайда туманида аҳолининг ишсизлик даражаси 4,8 фоиздан 5,4 фоизгача ортган. Айтиш жоизки, бугунги кунда туманда ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларига кўра қуйидаги асосий турлари кўп учрамоқда:

- таркибий, иқтисодийнинг янги тармоқлари пайдо бўлиши ёки эскисига барҳам берилиши ва мулкчилик шаклларининг ўзгариши билан юзага келади;

- яширин, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун хос ва бу ҳақиқий ишчи кучини камроқ миқдорда талаб қилади. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур таназзули шароитида корхоналарда ортиқча бандликнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради;

- мавсумий, маълум бир мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва тайёрлаш муддати билан асосланган. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мавсумий омилларининг баравар таъсир қилиши сифатида намоён бўлади;

- технологик ўзгарувчан, бу корхонда технологик ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва модернизация қилиниши натижасида юзага келади. Масалан, фан-техника ютуқлари натижасида қўл меҳнати ўрнини машина эгаллаши натижасида юзага келади.

Иш қидириб бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилганларнинг аксарияти ишга жойлаштирилмоқда (2.8-жадвал).

2.8-жадвалдан кўринадики, туман иш қидириб бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилганлар сони 2013 йилдаги 1942 нафар кишидан 2016 йилда 2076 нафарга ёки 6,9 фоизга ортган. Таҳлил қилинаётган йилларда иш қидириб бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилганларнинг 2013 йилда 90,8 фоизи, 2016 йилдаги 94,0 фоизга ортган.

2.8-жадвал

Бувайда туманида Бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб мурожаат қилганлар ва ишга жойлаштирилганлар сони динамикаси (киши ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	Йиллар				2016 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
	2013	2014	2015	2016	+,-	%
Иш қидириб бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилганлар сони	1942	1791	1807	2076	134	106,9
Шундан: ишга жойлаштирилганлар сони	1736	1647	1736	1951	215	112,3
Мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлаштирилганлар улуши, %	90,8	92,0	96,1	94,0	3,2	-

* Жадвал Бувайда туманида Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотлари асосида тузилди.

Туманда ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий нафақалар тўланади, ишсизлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилади, касбга ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 353-сон қарорига¹⁶ асосан, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:

- иш қидираётган шахс сифатида меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи (меҳнат даромади) олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш;

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 353-сон қарори // www.lex.uz.

- турли сабабларга кўра касб фаолиятида анча узилишлар бўлган шахсларни (илгари болалар тарбияси, беморлар ва оиланинг кекса аъзоларига қараш билан машғул бўлган, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинганлар ва бошқалар) меҳнатга қайта тиклаш;

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш.

Бувайда туманида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ишсизлар сони ортиб, 2013 йилга қараганда 29,7 фоизга кўпайганлигини кўришимиз мумкин (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

Бувайда туманида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ҳамда касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, малакасини оширишга юборилган ишсизлар сони динамикаси (киши ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	Йиллар				2016 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
	2013	2014	2015	2016	+,-	%
Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ишсизлар сони	1423	1597	1672	1847	424	129,7
Касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, малакасини оширишга юборилган ишсизлар сони	124	116	126	149	25	120,1

* Жадвал Бувайда туманида Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотлари асосида тузилди.

2.9-жадвалдан кўриниб турганидек, 2013-2016 йилларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ишсизлар сони 1423 нафардан 1847 нафарга ёки 29,7 фоизга кўпайган.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини маблағ билан таъминлаш иш берувчилар томонидан ўз маблағлари, шунингдек маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг:

- жойлардаги давлат ҳокимияти органларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бўйича - эллик фоизи иш берувчилар маблағлари ва эллик фоизи маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига;

- бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бўйича - етмиш беш фоизи иш берувчилар маблағлари ва йигирма беш фоизи Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш – тўла ва самарали иш билан таъминлашга кўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида қаралади. Янги иқтисодий-ижтимоий шароитда кадрлардан юксак савия, ижодий ташаббус, замонавий иқтисодий фикрлаш, ишнинг янги услуб ва кўникмаларини эгаллаш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1999 йил 24 апрелдаги “Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги низомида¹⁷ Ўзбекистон Республикасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизими орқали уларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш, малакасини ошириш босқичлари ва тартиби ёритилган.

Жадвал маълумотларининг таҳлили Бувайда туманида ишсизларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатининг ошиб бораётганлиги боис касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, малакасини оширишга юборилган ишсизлар сонининг 20,1 фоизга ортганлигини кўрсатади.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1999 йил 24 апрелдаги “Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги низоми // www.lex.uz

Ҳисоб-китобларга кўра, туманда ишсизлик ва меҳнат бозорининг танглик даражалари мўътадил бўлса, Бандликка кўмаклашиш марказига иш сўраб муурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштириш даражаси эса юқори ҳисобланади.

II боб бўйича хулоса

1. Бувайда туманида меҳнат ресурслари сонининг аҳоли сонидан юқори суръатда ўсганлигини кўрсатди. Туман аҳолиси таркибида меҳнат ресурсларининг улуши 57,7 фоизни ташкил этган. Бу эса мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

2. Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотлари туманда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони ортиб, иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги улуши эса камайиб борган.

3. Бувайда тумани Бандликка кўмаклашиш марказининг Халқаро меҳнат ташкилоти методологияси бўйича амалга оширилган ҳисоб-китобларига караганда, ишсизликнинг реал даражаси 5,4 фоиз атрофида бўлди.

4. Меҳнат ресурслари балансига кўра, иш билан банд аҳоли таркиби иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар, иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслардан иборат.

5. Туманда аҳолининг реал ихтиёридаги пул даромадлари ва ўртача пенсия миқдорининг ўсиш суръатига ҳам камайиш тенденцияси хос бўлганлигини кўрсатди. Жумладан, сўнги беш йилда туман бўйича аҳолининг реал ихтиёридаги пул даромадларининг ўсиш суръати 39,8 фоиздан 35,4 фоизга, ўртача пенсия миқдорининг ўсиш суръати эса 60 фоиздан 25 фоизга камайган. Бу эса туманда пенсионерларнинг даромадини кўпайтириш мақсадида пенсия миқдорини оширишни тақозо этади.

Ш БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ўрта ва узок муддатли истиқболда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг самарали механизмлари

Ватанзимиз тараққиёти кучли демократик жамиятни барпо этиш, унда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби инсонпарвар тамойилларга асосланган. Бу туб ислоҳотларда, энг аввало, ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролик жамиятидан кучли ижтимоий демократик фуқаролик жамиятига ўтиш, уни шакллантиришда давлат, жамоатчилик, нодавлат секторларни ривожлантириш ва модернизациялаштириш Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлини танлаб берди. Бу йўл халқаро майдонда “Ўзбек модели” деб тан олиниб, босқичма-босқич ислоҳотлар жараёнига пойдевор бўлди. Ана шу босқичлардан бири “ижтимоий шериклик” деб аталмоқда.

Айтиш жоизки, ижтимоий шериклик тизими аста-секинлик билан вужудга келади ва шаклланади. Унинг таркибига бош, тармоқ, ҳудудий даражадаги келишувлар йиғиндиси, жамоа шартномалари; доимий ва вақтинчалик фаолият кўрсатадиган ташкилий тузилмалар – ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича икки ва уч тарафлама комиссиялар; шериклик муносабатлари субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича структурали элементлар киради.

Ижтимоий шериклик тизимининг энг муҳим элементи – шериклик муносабатлари механизми бўлиб, унинг асосини ўзаро алоқа усуллари, шакллари ва жараёнлари, тузилган шартнома ва келишувларнинг

бажарилиши устидан назорат қилиш тизими, ташкилий-функционал тузилмалар ташкил қилади¹⁸.

Ижтимоий шериклик механизми доимий амал қиладиган музокаралар жараёни, манфаатларни мувофиқлаштириш жараёнларининг норматив белгиланиши ва сиёсий-ҳуқуқий таъминоти, шартнома ва келишувларни ишлаб чиқишда жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки билан тавсифланади. Иерархик даражалар бўйича ижтимоий шериклик механизми бош, тармоқ ва ҳудудий даражаларга тақсимланади. Асосий мақсадлар, ривожланиш йўналишлари, корхона, ташкилот, тармоқ, соҳа ва бутун жамият фаолиятининг самарадорлиги борасида жамоатчилик билан муроасага (ҳамжиҳатликка) эришишнинг умумлаштирилган кўрсаткичлари ижтимоий шериклик механизмининг самарадорлик мезонлари ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий-меҳнат муносабатларининг алоҳида бир тизими бўлиб, у давлат, иш берувчилар ва ходимлар манфаатлари мувозанатини таъминлайди.


Бундай шерикликни амалга ошириш механизми жамоа шартномалари ва келишувлари, кўшма қарорлар, локал ҳужжатлар, касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларни тузиш ва тадбиқ этишга асослангандир (3.1-расм).

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида бу тамойил “ижтимоий мулоқот” деб номланган бўлиб трипартизм (яъни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги уч тарафлама ҳамкорлик) асосида амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўртта, яъни умуммиллий, тармоқ, ҳудудий ва локал миқёсларда амалга оширилади. Ҳар бир поғонада ижтимоий шериклик ҳужжати мавжуд бўлиб, булар бош, тармоқ

¹⁸ Максимцева И.А., Горелева Н.А. Управление человеческими ресурсами – 2-изд. – М.: Юрайт 2016 – С.128.

(тариф), худудий (минтақавий) келишувлар ва жамоа шартномаларидир.



3.1-расм. Ижтимоий шериклик тизими элементлари*

*Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан:

– жамоа шартномаси - корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир;

– жамоа келишуви - муайян касб, тармоқ, худуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир;

– жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

Ижтимоий шериклик тизимида иккита асосий элементни ажратиб кўрсатиш лозим: бу – институт ва институциялар. Институтлар (ижтимоий шериклик иштирокчилари) меҳнат муносабатларига киришиб, ижтимоий шерикликни махсус институциялар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) билан белгиланадиган ва тартибга солинадиган турли усуллар билан (турли шаклларда) амалга оширади.

Ҳар бир институтнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг қайси турга мансуб эканлигидан қатъи назар, махсус институцияларда акс эттирилади, масалан, корхона ва унинг фаолияти ҳақида барча зарур ахборотлар унинг уставида, ходимнинг асосий кўрсаткичлари – меҳнат шартномаси тузишда тақдим этилиши шарт бўлган ҳужжатларда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига кўра ишга қабул қилиш вақтида ишга қираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни: паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани; меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга қираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга қираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани; ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани; қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга қираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади¹⁹) кўрсатилади.

Институциялар воситасида давлат қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳукумати орқали жамиятдаги ижтимоий кескинликни минималлаштириш мақсадида уларнинг ўзаро манфаатларини қондиришга ҳаракат қилган ҳолда

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси // www.lex.uz.

ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солади. Шу сабабли ижтимоий шериклик тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қонунларни янада ривожлантириш зарур.

Г.А.Ляхнинг фикрига кўра, ижтимоий шериклик тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммолар ҳудудлар учун умумий тавсифга эга бўлиб, улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– иш берувчиларнинг фаолиятида тузиладиган жамоа шартномаларига (демак, жамоа шартномаларининг бажарилмаслиги, унинг меъёрлари иккала тараф томонидан писанд қилинмаслигига) расмий муносабати;

– жамоа шартномаларида ташкилот ходимлари учун қўшимча ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларнинг етарлича эмаслиги ёки умуман йўқлиги;

– хусусий корхоналарда меҳнат муносабатларини ва улар билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солишнинг шартнома шакллари ривожланмаганлиги;

– иқтисодиётнинг нодавлат сектори корхоналарининг аксариятида бирламчи касаба уюшма ташкилотларининг йўқлиги (ушбу вазият меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари билан тартибга солишга тўлиқ даражада ривожланишга имкон бермайди, чунки ҳозирги пайтда касаба уюшмалар ходимларнинг жамоа шартномалари тузиш бўйича музокаралар жараёнида иштирок этиш учун етарли даражада профессионаликка эга бўлган ёлғиз вакиллари ҳисобланади)²⁰.

Шу сабабдан қонунчилик, биринчи ўринда, Меҳнат кодекси қоидаларини янада муфассал ишлаб чиқиш мазмунга эга бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий шериклик тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

²⁰ Лях Г.А. Социальное партнерство как фактор стабилизации в субъектах РФ // Трудовое право. -2004. №7. С.55-61.

– меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солиш, жумладан, барча даражаларда ижтимоий шериклик органлари ваколатли органларини, музокаралар жараёнларини, касаба уюшмаларнинг иш берувчидан мустақил эканлигини таъминлаш;

– ижтимоий-шериклик келишувлари ва жамоа шартномаларининг мазмунини яхшилаш, шунингдек, уларнинг қўлланиш соҳасини кенгайтириш;

– ижтимоий шериклик муносабатлари ва жамоа шартномаларини қайд қилишнинг автоматлаштирилган тизимини шакллантириш ва жорий қилиш. Ҳозирги кунда ижтимоий шериклик келишувлари ва жамоа шартномаларини қайд қилиш ва ҳисобга олишни амалга ошириш бўйича ишлар расман амалга оширилмоқда, ушбу ҳужжатлар мазмунини текшириб ўтирмасдан қайд қилиб қўйилади, бундан ташқари, жамоа шартномалари ва ижтимоий шериклик келишувлари бўйича келиб тушадиган ахборотларнинг тегишли тарзда қайта ишланмаслиги ҳам жиддий камчилик саналади. Шундай қилиб, ижтимоий шериклик келишувлари ва жамоа шартномаларини қайд қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш нафақат келиб тушадиган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнини тезлатишга, балки ташкилий хатоларни айланиб ўтиш ва ахборотни қайта ишлаш аниқлигини оширишга имкон беради;

– ижтимоий шериклик келишувлари ва жамоа шартномаларини ахборот тақдим этишга оид қайд қилишни амалга оширадиган органлар фаолиятини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ улар меҳнат бўйича давлат органларида ахборот тақдим этишга оид қайд қилиниши лозим. Ахборот тақдим этишга оид қайд қилиш имзоланган санадан ёхуд жамоа шартномаси ёки келишувда кўрсатилган бошқа санадан бошлаб кучга кирадиган жамоа шартномалари ва келишувларнинг юридик кучига таъсир кўрсатмайди. Келишувларни ахборот тақдим этишга оид қайд қилишни амалга оширишда меҳнат органи

келишувнинг меҳнат ҳақидаги қонунчиликка зид келадиган шартларини аниқлайди ва аниқланган зиддиятлар ҳақида томонларга ахборот беради. Ходимларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган жамоа шартномаси ёки келишув шартлари қонуний кучга эга эмас, деб ҳисобланади ва қўлланмайди.

Ахборот тақдим этишга оид қайд қилиш бу жараённинг ўзи учун амалга оширилмасдан, қонунчиликка зид келадиган шартларни аниқлаш билан муайян мақсадни кўзлаши лозим. Ушбу вазиятда меҳнат бўйича орган жамоа шартномасининг қолган қисмини сақлаб қолган ҳолда жамоа шартномаси ёки келишувнинг қонунчиликка зид келадиган шартлари амал қилишини тўхтатиш ҳуқуқини тақдим этиши лозим. Бундай шартларни бекор қилиш эмас, тўхтатиб туриш ҳуқуқи хабар қилишга оид қайд қилишнинг моҳиятига мос келади. Якуний қарорни эса жамоа шартномаси томонлари қабул қилади. Агар қонунчиликка зид келадиган жамоа шартномаси шартларига нисбатан мувофиқлаштирилган қарор қабул қилинмаса, томонларнинг ҳар бири бу шартни қонуний кучга эга эмас деб тан олиш ҳақида ариза билан адлия органларига мурожаат қилишга ҳақли. Ижтимоий ҳамкорлар манфаатлари нуқтаи назаридан мавжуд механизм ўрнига таклиф этилаётган хабар қилишга оид қайд қилиш механизми ижобий самарага эга. Жамоа шартномаларини ахборот тақдим этишга оид қайд қилиш энг аввало, жамоа шартномасида ноаниқликлар ва қонунчилик меъёрларининг бузилиш ҳолатлари мавжудлигини ўз вақтида аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга;

– меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шериклик: давлат бошқарув органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, иш берувчиларнинг вакиллик органлари ва ходимларнинг вакиллик органлари ўртасида ташкилотларда жамоа шартномалари ва келишувлар тизими орқали муроасага эришиш ва қарорлар ишлаб чиқиш йўлларида бири ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иш ўринларида қониқарсиз меҳнат шароитлари кескин чоралар кўришни талаб қилаётган бир пайтда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича давлат мақсадли дастури мавжуд эмас. Демак, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига таъсир кўрсатишга, шунингдек йўл қўйилган камчиликларга жойида тузатишлар киритишга имкон берадиган қандайдир тезкор механизм керак. Бундай тузатишлар таклиф этилаётган дастурга уйғунлик билан киришиб кетади.

Ижтимоий шериклик дастурини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, уни ривожлантиришнинг тўлақонли тизимини шакллантириш ҳамда уни амалга ошириш самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини ифодалаш зарур. Яъни биз у фаолият кўрсатадиган тамойилларни асослаб бериш заруратига дуч келамиз.

1. Ривожланишнинг тўлақонлилиги.
2. Бир-бирига боғлиқлик.
3. Иерархия.

Дастлаб энг муҳим тамойил – ривожланишнинг тўлақонлилигини кўриб чиқиш зарур. Буни тизим қандай фаолият кўрсатишини аниқ тасаввур қила олиш зарурлиги билан изоҳлаш мумкин. Унда ижтимоий шериклик тизимининг тўлақонлилигига таъсир этиши мумкин бўлган бир нечта асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш зарур. Бу, энг аввало, ижтимоий, ҳуқуқий ва ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳисобланади.

Ижтимоий тартибга солиш деганда, жамиятда ходимлар томонидан ҳам, иш берувчилар томонидан ҳам меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг ижтимоий шериклик моделини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Муҳимлик даражаси бўйича иккинчи жиҳат ҳуқуқий тартибга солиш саналиб, унда меҳнат бозорининг барча иштирокчилари ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўзаро алоқалар шартларини аниқ билиши ҳамда ушбу меъёрларни бузганлик учун жарималар механизми кўзда тутилган бўлиши лозим.

Ижтимоий ва ҳуқуқий тартибга солишдан ишлаб чиқаришни тартибга солиш келиб чиқади. Бу амалда энг муҳим жиҳат бўлиб, бевосита ишлаб чиқаришга алоқадор ва унинг якуний мақсади ҳисобланади. Буларнинг учаласи биргаликда ижтимоий шериклик тизимининг тўлақонлилигини таъминлай олади.

Тизимда тўлақонлиликдан кейинги ўринда “иш берувчи-ходим”, “давлат-ходим”, “давлат-иш берувчи” бир-бири билан боғлиқлик тамойили туради, чунки улардан биронтаси бўлмаган тақдирда ижтимоий шерикликнинг ҳам имкони бўлмайди. Шериклик, энг аввало, бир-бири билан алоқа қиладиган бир нечта субъект мавжудлигини назарда тутаяди, шу сабабли биз уни юқорида айтиб ўтилган бир-бири билан боғлиқликда кўриб чиқишимиз лозим. Минтақа даражасида шу ўзаро боғлиқликлар асосида минтақадаги ижтимоий шерикликка таъсир кўрсатадиган энг муҳим камчиликларни таҳлил қилиш ва шундан келиб чиққан ҳолда мос келувчи минтақавий дастур қабул қилиш мумкин.

Сўнги тамойил босқичма-босқичлик ҳисобланади. Шу мақсадда исталган ҳудудда шериклик муносабатларининг 3 та асосий босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин: ишлаб чиқариш, ҳуқуқий шериклик ва ижтимоий шериклик.

Ривожланиш босқичма-босқичлигини ифодалашда, энг аввало, ишлаб чиқариш шериклигини кўриб чиқиш зарур. У ишлаб чиқариш тавсифидаги ўзаро муносабатлар вужудга келиши билан доим мавжуд бўлади. Бу ерда ягона муаммо шундаки, ишлаб чиқариш ҳамкорлиги, энг аввало, “ходим-иш берувчи” тизимида иқтисодий ўзаро алоқаларга асосланади. Бу эса бошқарув жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг ижтимоий оқибатлари ҳисобга олинмаслигига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг ижтимоий салбий оқибатларини камайтириш учун ривожланишнинг кейинги босқичи – ҳуқуқий шерикликка ўтиш зарур. Бу ерда учинчи иштирокчи – давлатнинг пайдо бўлиши муҳим

аҳамиятга эга, чунки у бир вақтнинг ўзида иқтисодий ривожлантиришдан ҳам, ижтимоий барқарорликдан ҳам манфаатдор бўлади ва бундан ташқари, кучли босим кўрсатиш ва мажбурлаш воситаларига эга бўлган ҳолда меҳнат бозори иштирокчиларини уларнинг иқтисодий фаолияти давомида белгиланган хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишга самарали жалб қила олади.

Ривожланишнинг яқиний мақсади ижтимоий шериклик ҳисобланади. Унинг иштирокчилари учун мажбурий тавсифга эга бўлган ҳуқуқий шерикликдан фарқли равишда, ижтимоий шериклик кўнгилли тавсифга эга бўлиб, бу ерда жарима қўллаш таҳдиди эмас, балки ижтимоий, иқтисодий, психологик рағбатлар биринчи ўринга чиқади.

Ижтимоий шериклик меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва меҳнаткашлар бирлашмалари ўртасида ташкилотларда жамоа шартномалари ва келишувлари тизими орқали муросага эришиш ва қарорлар ишлаб чиқиш йўлларидан бири ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадли дастури асосида ишлаб чиқилган, таклиф этилган меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш дастури ижтимоий шерикликни ривожлантириш воситаларидан бири ҳисобланади. У қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олиши лозим:

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини норматив-ҳуқуқий таъминлаш.
2. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини ташкилий-техник таъминлаш.
3. Ишлаб чиқаришда шикастланган шахсларни ижтимоий, тиббий ва касбий реабилитация қилиш.
4. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлигини такомиллаштириш.

5. Меҳнатни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш.

Шу сабабдан Дастурда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шериклик усуллари ва шакллари такомиллаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларини тартибга солиш бўйича муайян чоралар ишлаб чиқиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутиши лозим. Шунга кўра, дастурнинг якуний мақсади меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобланади.

Шу билан бирга, минтақавий даражада ижтимоий шериклик юзага келиш жараёнида деструктив омиллар мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим, чунончи:

– иқтисодиётнинг корпоратив секторида қўшиб олиш ва бирлаштириш, мулкчилик таркибини ўзгартириш жараёнлари туфайли йирик ва ўрта корхоналар сонининг қисқариш тенденцияси;

– корпоратив ҳаракатлар маданияти шаклланмаганлиги: янги касаба уюшмалари ҳаракатини шакллантириш борасида фаолликнинг сустлиги (айниқса, кичик корхоналарда – амалда уларда деярли йўқ), жамоа шартномалари ва келишувларидан фойдаланган ҳолда ходимлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тайёрликнинг сустлиги.

Ўзбекистонда ижтимоий шериклик хусусиятларини ҳамда иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражаларида ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларининг ижтимоий ўзаро алоқаларини амалга ошириш механизмининг шакллантириш хусусиятларини ҳисобга олиш, ғарб мамлакатлари амалиёти билан таққослаганда ностандарт бўлган ёндашув – ижтимоий мулоқот зарурлигини асослаб беради²¹.

Фикримизча, бундай ёндашувлардан бири ижтимоий шериклик маркази ташкил қилиш ҳисобланади. Уни ташкил қилишдан мақсад – ижтимоий

²¹ Боржели Н.П. Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба. - Тошкент: ART FLEX, 2012. – 544-б.

шериклик субъектларига ижтимоий мулоқотни ривожлантириш бўйича, минтақавий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа иқтисодий масалалар бўйича музокаралар олиб бориш йўли билан меҳнат муносабатларини тартибга солиш тамойиллари, ёндашувлари ва жараёнларини тушунтириш ва тарқатиш бўйича турли йўналишдаги зарурий ва малакали ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг замонавий тизимида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича уч томонлама комиссиялар фаолият кўрсатади. Улар фаолиятининг мақсади ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳудудий бирлашмалари, иш берувчиларнинг ҳудудий бирлашмалари ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бироқ уч томонлама комиссиялар ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш воситасида алоҳида корхонада иш берувчи ва ходимлар ўртасида ижтимоий мулоқотни ривожлантиришга билвосита таъсир кўрсатади, холос. Ҳар бир алоҳида олинган ташкилотлар ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш уларнинг функциялари қаторига кирмайди.

Бундай шароитларда ижтимоий шериклик марказларини ташкил қилиш “трипартизм” тамойилига, яъни давлат, бизнес ва ёлланма ходимларнинг уч тарафлама иштирокига асосланади.

Ижтимоий шериклик маркази ижтимоий ўзаро муносабатлар субъектларининг барча ташаббусларини жамлайдиган ва уларга нафақат музокаралар жараёнини ривожлантиришда, балки услубий ва ахборот материаллари билан таъминлашда, шунингдек, ижтимоий мулоқотнинг амалий жараёнларини бажариш учун маслаҳат ва таълим хизматлари тақдим

етишда ҳам ёрдам кўрсатадиган ижтимоий шериклик тизими органини ифодалайди.

Кўриниб турибдики, горизонтал бўйича ҳам (корхона микёсида), вертикал бўйича ҳам (корхона-минтақа-марказ) ижтимоий шерикликнинг турли субъектлари ўртасида нисбатан барқарор ўзаро муносабатларни таъминлаш муаммосининг ечими минтақада ижтимоий шерикликни амалга ошириш манбалари ва йўналишларини шакллантиришга, шунингдек ижтимоий-меҳнат соҳасида барча институционал ўзгаришларнинг кафили сифатида давлатнинг янгича ролини белгилашга янада мослашувчан ёндашувни қўллашдан иборат.

Ўрта ва узок муддатли истиқболда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш учун қуйидагилар талаб этилади:

– ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун зарур иқтисодий шарт-шароитларни яратиш (энг аввало, мулкчилик ҳуқуқини қайта таркиблаш ва институционал бириктириб қўйиш);

– меҳнат низоларини тартибга солиш ҳамда ижтимоий шериклик муаммолари бўйича амалдаги қонунчилик базасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш (ўзгарувчан шароитларга мослаштириш);

– ижтимоий шериклик субъектларининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солишда иштирок этиши мотивациясини ошириш;

– ижтимоий зиддиятларни бартараф қилиш ва ижтимоий тинчликни таъминлаш мақсадида фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг жамоа шартномалари билан қамраб олинган иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ортиши ушбу механизм самарадорлигининг асосий мезони сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришнинг белгилаб қўйилган йўналишларини бевосита амалга ошириш учун қисқа муддатли истиқболда кўйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиши лозим:

- ижтимоий шерикликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ижтимоий шериклик масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш;
- ижтимоий шерикликнинг ваколатли органларини шакллантиришни тартибга соладиган қонунлар қабул қилиш;
- музокаралар жараёнларини такомиллаштириш;
- меҳнат низоларини тартибга солиш механизмлари ва судгача бўлган институтларини такомиллаштириш;
- ижтимоий шериклик тажрибасини тарғиб қилиш, маслаҳат ва экспертлар хизматлари тақдим этиш учун ижтимоий шериклик тизимида янги ташкилий тузилмалар барпо этиш;
- ходимларнинг корхона мулки ва ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишининг самарали ва замонавий тизимини яратиш (бу мамлакат менталитетига ва ҳозирги ёлланиб ишлайдиган ходимларнинг ўтмишдаги тажрибасига мос келади);
- ижтимоий шериклик томонларининг жамоа шартномалари ва келишувлари талабларини бажармаганлик учун жавобгарлигининг ҳуқуқий механизминини ишлаб чиқиш;
- ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солиш бўйича ҳисоботларнинг статистика шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- ижтимоий шериклик тизимида янги ахборот технологияларини жорий қилиш.

3.2. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмаларининг фаолиятини такомиллаштириш

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадбиркорлар бирлашмалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш, касаба уюшмалар ва давлат билан ўзаро муносабатларда ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида етарли даражада катта тажрибага эга.

Ижтимоий шериклик тизимида иш берувчилар ва тадбиркорлар бирлашмаларининг асосий функциялари қуйидагилар ҳисобланади:

– тадбиркорлар ижтимоий қатламининг ўз моҳиятини тушунишини аста-секинлик билан кучайтириб бориш, тадбиркорларнинг турли гуруҳларини «ассоциацияланган» капитал манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган йирик синфга интеграциялаш, уларнинг онгида тадбиркорлар ва иш берувчилар нафақат хусусий шасхлар ва бошқарувчи менежерлар, балки жамоат арбоблари ҳам ҳисобланади, деган фикрни мустаҳкамлаш;

– иқтисодий ва сиёсий ҳукумат ифодаловчиси сифатида киритилган капиталдан имкон қадар катта фойда олиш мақсадида ҳукумат тузилмалари ва ходимлар ташкилотлари – касаба уюшмалари билан ўзаро муносабатларда капитал манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

– иш берувчилар ва тадбиркорларнинг ишчи кучи сифатини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, бандлик муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва долзарб ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш масалалари бўйича

мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқишда манфаатдор иштирок этиши²².

Ўзбекистонда иш берувчилар бирлашмалари шаклланишининг ҳозирги босқичига хос бўлган хусусият бу – уларнинг ўтиш тавсифига эгаллигидадир: муносабатлар субъектлари охиригача шаклланмаган, бу субъектлар манфаатлари расмийлаштирилмаган, умумий, тўлиқ шаклланган ҳуқуқий база йўқ. Бу омил оддийгина хусусият эмас, балки иш берувчилар бирлашмасининг ривожланиши учун тўсиқ ҳам ҳисобланади. Тадбиркор (иш берувчи) нуқтаи назаридан, ижтимоий шериклик муносабатлари ходимлар ўзининг асосий функционал мажбуриятларини бажариши, қонунчиликка мувофиқ жамоа шартномаларини ва келишувларини ишлаб чиқиши, ходимлар ва иш берувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирувчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиши, инновацион стратегиялар родини ошириш, янгиликлар киритишни бошқаришнинг ўзига хос воситаларини ўзлаштириш, новаторлик ҳаракатларини рағбатлантириш, ижодий ва ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлаш учун барча зарур моддий-техник, ташкилий, ижтимоий-маиший ва бошқа шароитлар яратишни назарда тутати.

Ижтимоий шерикликда иш берувчилар ва тадбиркорларнинг муҳим функцияси бу – уларнинг шериклик муносабатларини ривожлантириш жараёнини ахборот-коммуникатив таъминлаш тизимини яратиш, хўжалик юритишнинг жаҳон тажрибасини тўплаш, янгича иш сифатини яратиш механизмларини ўзлаштириш учун куч ва воситаларни бирлаштириш бўйича фаолиятда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 49-моддасига мувофиқ: “Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа

22 Подоляк Е.Ю. Работодатели в социальном партнерстве регионального уровня // Вестник Пермского университета. <http://cyberleninka.ru>.

вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳам тузилади. Тармоқ келишувлари тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимларининг (касбдошлар гуруҳларининг) ижтимоий кафолатларини белгилаб беради”²³.

Тадбиркорлар уларга ўз манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам бериши кўзда тутилган бирлашмаларни ташкил қила бошлади. Тадбиркорлик бирлашмаларининг аҳамияти улар ўзларининг асосий мақсадларини қанчалик муваффақиятли бажариши билан белгиланади, чунончи: ижтимоий-иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш учун кураш; ҳаракатлар бирлиги ва стратегия ишлаб чиқиш, тадбиркорлик муҳитидаги низоларни ҳал қилиш; турли даражадаги ҳукумат органлари ва давлат билан муносабатларда тадбиркорлар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш; қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш; ёлланма ходимлар ва уларнинг ташкилотлари билан муносабатлар борасида стратегия ишлаб чиқиш; бирлашмалар аъзоларига турли (ахборот, маслаҳат, жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш ва ҳ.к.) хизматлар кўрсатиш.

Тадбиркорлик бирлашмаларининг асосий мақсади иқтисодий фаолиятнинг барча таркибий қисмлари, капиталдан самарали фойдаланиш кафолатларини яратиш ҳисобланади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари иқтисодий ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишга, тадбиркорлик муҳитида муросага эришишга, ёлланма ходимлар билан муносабатлардаги позицияни белгилашга, жамоатчиликни доиралари, турли даражадаги ҳукумат

²³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // www.lex.uz.

органлари ва давлат билан муносабатларда тадбиркорлар манфаатларини ифодалашга қаратилади.

Ижтимоий шериклик тизимида иш берувчилар ва тадбиркорларнинг бирлашмалари ижтимоий кафолатлар институтлари сифатида ҳам иштирок этади. Бу жиҳатдан улар давлат ёрдамида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиши, жамиятни ислоҳ қилиш шароитларида ижтимоий жавобгарликни намоён этиши кўзда тутилган. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича иш берувчилар ва тадбиркорларнинг бирлашмалари фаолиятида учта энг муҳим жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш натижалари, улар оладиган фойда бевосита солиқлар ва ижтимоий бадаллар манбаси ҳисобланади;

иккинчидан, йирик корхоналарда ходимлар, айрим ҳолларда эса яқин атрофда яшайдиган аҳоли ҳам фойдаланадиган ижтимоий хизматлар билан шуғулланувчи ташкилотлар ва ижтимоий соҳа муассасалари мавжуд бўлади;

учинчидан, корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлик бирлашмалари сиёсати ўз ходимларининг иш ҳақиға ва уларнинг бандлиғига бевосита таъсир кўрсатади.

Иш берувчилар ва тадбиркорларнинг бирлашмалари иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишда, оммавий равишда ишдан бўшатишлар ва ишсизликнинг олдини олишда сезиларли роль ўйнайди.

Бугунги кунда тадбиркорлар бирлашмалари, шунингдек уларнинг ижтимоий шериклик тизимидаги иштироқи ҳақида гапирганда икки турдаги бирлашмалар фаолият кўрсатишини эътиборга олиш зарур. Биринчиси – нодавлат ноижорат, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари ҳақидаги қонунчилик асосида ташкил этилган бирлашмалар. Иккинчиси – мақсади улар таркибига кирадиган корхоналарни ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш ҳисобланган

фаолият кўрсатувчи тижорат уюшмалари, концернлар, тармоқлараро, минтақавий ва бошқа бирлашмалар.

Бозор муносабатларининг ривожланиши, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ва хўжалик юритишнинг у ёки бу шакллариининг мустаҳкамланиши билан тадбиркорлик тузилмаларининг қайта гуруҳланиши рўй беради, тармоқ таркибларини яратиш, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида умумий манфаатларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида турли уюшмаларнинг умуммиллий бирлашмаларга бирлашиш тенденцияси устунлик қилади.

Тадбиркорлар бирлашмалари, жумладан, давлат корхоналари негизида ташкил этилган айрим акциядорлик жамиятлари ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича уч тарафлама комиссиясида тадбиркорлар (иш берувчилар) томонини ифодалайди. Кўпчилик тармоқ бирлашмалари тармоқ (тариф) келишувларини тузишда иштирок этади.

Ҳукумат тузилмалари иқтисодиётнинг давлат ва хусусий сектори бирлашмаларига кирмаган барча корхоналарни максимал даражада қамраб олган ҳолда иш берувчилар уюшмаларини шакллантиришга кўмаклашиши лозим. Янги ташкил қилинган иш берувчилар бирлашмаларини таъсис этишда уларнинг музокаралар олиб бориш ва келишувлар тузишдаги ваколатлари; хўжалик ва меҳнат муносабатлари соҳасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; қонунчиликда кўзда тутилган жамоа шартномалари асосида тартибга солиш соҳасидаги қоидалар ва меъёрларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш каби масалалар ҳисобга олиниши лозим.

Иш берувчилар ва тадбиркорлар бирлашмаларининг ижтимоий шериклик тизимидаги ўрни ва ролини очиб беришда нафақат миллий, балки трансмиллий корпорацияларни ҳам эътиборга олиш лозим. Ҳозирги шароитда мамлакат иқтисодиётини «трансмиллийлаштириш» жараёни фаол

ривожланмоқда. МДХ ҳудудига ҳозирги пайтда дунёнинг 52 та етакчи трансмиллий корпорациялар кириб келган²⁴.

Йирик капитал ижтимоий шериклик тизими ва мос равишда, суверен давлатлар иқтисодиётига фаол кириб, барча фойдаланиш мумкин бўлган воситалар ёрдамида барча даражадаги ҳукумат тузилмаларига таъсир кўрсатади. Ходимларнинг қатор ижтимоий ҳуқуқларини чеклаш, ижтимоий кафолатларни камайтириш томон қонун ҳужжатларини ўзгартириш бўйича анча барқарор ҳаракатлар кузатилмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги шароитлари давлат органлари олдида глобаллашув оқибатларини юмшатиш бўйича вазифалар кўяди. Бундай вазиятда давлат органлари томонидан тартибга солиш чоралари алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга трансмиллий корпорацияларда ижтимоий низоларни тартибга солиш учун мос келувчи халқаро қоидалар ва назорат механизмларидан оқилона фойдаланиш зарур.

Мисол учун, Халқаро меҳнат ташкилотининг Маъмурий кенгаши томонидан 1977 йил 19 ноябрда бўлиб ўтган 204-сессиясида қабул қилинган “Кўпмиллатли корпорациялар ва ижтимоий сиёсатга алоқадор тамойиллар уч тарафлама Декларация”си трансмиллий корпорациялар раҳбарларини тадбиркорлар қулайлик даражаси ўз мамлакатларида амал қиладиган меъёрлардан кўра паст бўлмаган меҳнат муносабатлари меъёрларига амал қилишга мажбур қилади. Европа Иттифоқи мамлакатлари меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун кўп сонли чиқишлари таъсири остида Европа Вазирлар кенгаши 1994 йил Европа корхоналари қўмитаси ҳақида Директива қабул қилган бўлиб, унга кўра марказий компания трансмиллий корпорацияларга кирадиган ва Европа Иттифоқининг исталган мамлакатлари ҳудудида жойлашган корхоналар меҳнаткашлари билан музокара ва маслаҳатлар олиб боришга ҳақли. Ушбу директивани ижро этиш мақсадида

²⁴ Экономика транснациональной компании: Учебное пособие для вузов / А. И. Михайлушкин, П. Д. Шимко. – М.: Высшая школа, 2015. – С.24.

кўплаб корпорациялар ижтимоий-меҳнат муносабатларини мувофиқлаштириш бўйича қўмита ёки кенгашлар ташкил қилган.

Мисол тариқасида “Нестле” трансмиллий корпорациясини олиш мумкин. Корпорацияда ижтимоий-меҳнат муносабатларини мувофиқлаштириш таркибига Европанинг 16 мамлакатида фаолият кўрсатадиган фирма корхоналари касабга қўмиталарининг 60 та вакили киради²⁵. Кенгаш йиғилишлари ва унинг компания раҳбарияти билан учрашувлари ҳар йили Швейцарияда бўлиб ўтади. Компания делегатларнинг учрашув ва йиғилишга келиб-кейтиш, меҳмонхона ва бошқа харажатларни ўз зиммасига олади.

Бизнес ва ҳукумат ҳамкорлигининг бош формуласи – тадбиркорлар ва иш берувчиларнинг сиёсий курашда бевосита иштирок этишдан ўзини тийиб туриш, муроса ва келишувга эришиш йўллариини излаб топишга йўналганлик ҳисобланади.

Иш берувчилар, тадбиркорлар ва ходимлар ўртасида ижтимоий шериклик моҳиятан ижтимоий-меҳнат муносабатларининг асосий бўғини ҳисобланади. Иш берувчилар билан ўзаро алоқаларда ходимларнинг манфаатларини касабга уюшмалар ёки ходимларнинг бошқа жамоат ташкилотлари ифодалайди.

Касабга уюшмалар билан шериклик муносабатларини амалга оширар экан, тадбиркорлар ва иш берувчилар бирлашмалари ҳукумат тузилмалари билан бўлгани каби, музокаралар технологиялари, шартнома ва келишувлар тузиш, ижтимоий низоларни тартибга солиш ва ҳ.к.дан фойдаланади. Бироқ бу ҳолатда тадбиркорлар қуйидаги ўзига хос технологияларни қўллайди:

- жамоа шартномалари ва келишувларини имзолашдан бўйин товлаш;

²⁵ <http://www.nestle.com>.

– ходимларни иқтисодий мажбурлаш (яъни, ишдан бўшатиш, иш ўринларини қисқартириш, корхона ёки ташкилот тузилмасини ўзгартириш билан кўрқитиш);

– шартнома ва келишувларга ўзгартиришлар киритган ҳолда ходимларга ижтимоий кафолатларни қисқартириш ҳисобига иқтисодий ҳуқуқларни чегаралаш;

– меҳнатга ҳақ тўлашнинг икки ёқлама шаклларини қўллаш орқали (ведомост бўйича ва конвертда) меҳнат жамоасида келишмовчиликларни юзага келтириш.

Фанда ижтимоий шерикликнинг ривожланиши ҳақида олиб борилаётган баҳс-мунозаралар тадбиркорлар бирлашмалари билан ёлланма ходимларнинг касаба уюшмалари кўпчилик ҳолатларда ҳукумат позициясига қарши эканлигини кўрсатилади. Шубҳасизки, уларнинг моҳиятига хос бўлган манфаатлар турли йўналишларга эга бўлади. Бироқ, бизнингча, бу ерда куйидаги ҳолатни эътиборга олиш зарур.

Касаба уюшмалар ҳукуматга, масалан, иш ҳақини индексациялаш ҳақида талаб билан чиққан ҳолларда тадбиркорларда солиққа тортилмайдиган иш ҳақи жамғармасининг минимумини ошириш зарурати вужудга келади. Бироқ, шу нарса ҳам кўзга ташналанадигани, иш берувчилар ҳам, ходимлар ҳам ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг асосий манбаси сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қиладиган шароитлар яратишдан манфаатдор бўлиши лозим.

Бугунги кунда иш берувчилар ва ходимлар қарашларининг умумийлиги ислоҳотларнинг ижтимоий харажатларини пасайтириш, ижтимоий сиёсатнинг иқтисодий ўзгаришлар сиёсати билан мантиқий уйғунлашуви заруратини тушунишда ҳам намоён бўлмоқда. Ҳукумат дастурларининг фаол меҳнат бозори шакллантиришга йўналтирилганлигини маъқуллаган ҳолда, тадбиркорлар бирлашмалари жамоавий музокаралар, шунингдек, қонун чиқариш фаолияти давомида иш ўринларини сақлаб қолаётган ва яратаётган,

кадрлар тайёрлаш ва малакасини ўзгартиришни амалга ошираётган, кичик бизнеснинг ривожланишига кўмаклашаётган иш берувчиларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратади. Маблағлардан ходимларга ишсизлик бўйича нафақа тўлашдан кўра иш берувчиларни рағбатлантириш учун фойдаланиш яхшироқ, деган қоида устунлик қилмоқда.

Табиийки, ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, иқтисодий юксалтириш, унинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий тотувликни қўллаб-қувватлаш, оммавий қашшоқлик ва ишсизликнинг олдини олишдан умумий манфаатдорлик билан бир қаторда иш берувчилар ва ходимларда объектив равишда бир-бирига мос келмайдиган қизиқишлари ҳам ривожланиши мумкин бўлиб, улар қаторига энг аввало, даромадларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва истеъмолга тақсимлаш, ижтимоий химоя фондларини яратиш манбалари ва динамикасини, уларнинг етарлилик даражасини аниқлашдаги мутаносибликларга алоҳида эътибор қаратади. Кўриниб турибдики, иш берувчилар бандликни барча ресурслар, жумладан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан тобора кўпроқ даражада кўриб чиқади.

Шу сабабдан тадбиркорлар бирлашмалари ижтимоий шериклик ўз-ўзидан эмас, балки меҳнат муносабатлари соҳасида воқеа-ходисаларни касаба уюшмалар билан биргаликда доимий прогноз қилиш, ривожланиш мақсадлари ва устуворликларини аниқлаш; тобора кўпроқ кафил ролини ўйнаши лозим бўлган ҳукумат иштирокида ижтимоий суҳбат асосида ривожланишидан манфаатдор бўлади.

Бундай суҳбат, энг аввало, ходим, иш берувчи ва ишлаб чиқарувчининг мақсадларини бирлаштирадиган янгича меҳнат фалсафасини ишлаб чиқиш атрафида мужассам топиши лозим.

Хусусан, ижтимоий шерикликда иш берувчилар ва ёлланма ходимларнинг бирлашмалари иштирок этишининг қонунийлиги, бу бирлашмаларнинг муштараклиги, тузиладиган бош ва тармоқ

келишувларининг қўлами ва амал қилиш мажбурийлиги масалалари чуқур ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва фойдани максималлаштиришда аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган моддий ва номоддий неъматлар яратишда бизнеснинг ижтимоий жавобгарлигини шакллантириш ва тасдиқлаш жиддий роль ўйнайди.

Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради²⁶.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 37 минг 457 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар 6 млн. 200 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда²⁷.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар ” деб белгилаб қўйилган. Бундан касаба уюшмаларига юклатилган иккита ўзаро боғлиқ вазифа келиб чиқади: ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида иш берувчиларнинг меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қўйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон.

²⁷ <http://www.norma.uz>

- меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи шартнома ва келишувлар шартларини тўлиқ бажариш;
- ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш;
- тадбиркор-рахбарлар барча ходимларига меҳнат муносабатларини расмийлаштириб иш ҳақи жамғармасидан иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига молиявий ажратмаларни тўлиқ ўтказиш ҳамда бу бўйича давлат назоратини ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда миқдорини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгилайдиган иш жойларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларни тўлиқ ишга жойлаштириш;
- бўш иш жойлари бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни, олдиндан (камида икки ой олдин) маҳаллий меҳнат органига мўлжалланаётган ишдан озод қилишлар тўғрисидаги ахборотларни бўшаб қоладиган ҳар бир ходимни кўрсатган ҳолда тақдим этиш.

Ш боб бўйича хулоса

1. Тизимда тўлақонлиликдан кейинги ўринда “иш берувчи-ходим”, “давлат-ходим”, “давлат-иш берувчи” бир-бири билан боғлиқлик тамойили туради, чунки улардан биронтаси бўлмаган тақдирда ижтимоий шерикликнинг ҳам имкони бўлмайди. Шериклик, энг аввало, бир-бири билан алоқа қиладиган бир нечта субъект мавжудлигини назарда тутаяди, шу сабабли биз уни юқорида айтиб ўтилган бир-бири билан боғлиқликда кўриб чиқишимиз лозим. Минтақа даражасида шу ўзаро боғлиқликлар асосида минтақадаги ижтимоий шерикликка таъсир кўрсатадиган энг муҳим камчиликларни таҳлил қилиш ва шундан келиб чиққан ҳолда мос келувчи минтақавий дастур қабул қилиш мумкин.

2. Ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришнинг белгилаб қўйилган йўналишларини бевосита амалга ошириш учун қисқа муддатли истиқболда қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиши лозим: ижтимоий шерикликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш; ижтимоий шериклик масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш; ижтимоий шерикликнинг ваколатли органларини шакллантиришни тартибга соладиган қонунлар қабул қилиш; музокаралар жараёнларини такомиллаштириш; меҳнат низоларини тартибга солиш механизмлари ва судгача бўлган институтларини такомиллаштириш; ижтимоий шериклик тажрибасини тарғиб қилиш, маслаҳат ва экспертлар хизматлари тақдим этиш учун ижтимоий шериклик тизимида янги ташкилий тузилмалар барпо этиш; ходимларнинг корхона мулки ва ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишининг самарали ва замонавий тизимини яратиш; ижтимоий шериклик томонларининг жамоа шартномалари ва келишувлари талабларини бажармаганлик учун жавобгарлигининг ҳуқуқий механизминини ишлаб чиқиш; ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солиш бўйича ҳисоботларнинг статистика шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; ижтимоий шериклик тизимида янги ахборот технологияларини жорий қилиш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ижтимоий шерикликнинг бандлик соҳасидаги муаммола-рига бағишланган тадқиқотимиз жараёнида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Ижтимоий шериклик жамият асосий гуруҳлари муҳим ижтимоий-иқтисодий қизиқишларининг рўёбга чиқарилиши, мувозанатини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар алоҳида тури сифатида, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни ривожлантиришнинг қонуний натижаси, бутун жамиятда, унинг асосий гуруҳларида юз бераётган туб ўзгаришларнинг оқибати сифатида шаклланади.

2. Ижтимоий шерикликнинг ривожланиш даражаси мавжуд бўлгани учун жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий етуклиги кўрсаткичи ҳисобланади. Бундай жамиятнинг босқичма-босқич ривожланишида шериклик муносабатларини амалга ошириш учун зарур шароитлар ҳам шаклланади.

3. Таҳлиллар жараёнида талаб ва таклиф қонуни амал қиладиган меҳнат бозори бошқа бозорлардан муҳим тафовутга эга эканлиги аниқланди. Ўзбекистон меҳнат бозоридаги ижтимоий-институционал ўзгаришлар таҳлил қилинди ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари янги моде-лининг шаклланиши изчил равишда, давлат томонидан зарурий тартибга солишлар билан кетаётганлиги, энг аввало, меҳнат қонунчилигининг такомиллаштириб борилаётганлиги ва унинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон меҳнат бозорида меҳнат муносабатларининг ижтимоий-лашуви ижтимоий институтларнинг ривожланиши билан бирга бормоқда. Бу эса ижтимоий йўналтирилган моделни амалга ошириш имкониятини бермоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг таркиби, унинг ишчи кучи рақобатбардошлигининг халқаро стандартларига ва миллий иқтисодиёт

инновацион ривожланишининг устувор йўналишларига мос келмаслигидан далолат беради.

4. Давлат иш билан бандлик сиёсатида ҳам ижтимоий шериклик механизмини жорий этиш зарур бўлиб, бу борада қуйидагиларга таяниш муҳим:

– иш билан бандлик сиёсати давлат томонидан ҳар йили қабул қилинадиган (мос равишда, ривожлантириладиган, тўлдириладиган ва тузатиладиган) “Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат дастурлари” асосида олиб борилади. Ишсизликдан муҳофазалаш дастурнинг мар-казида туради. У ишлаётган, аммо ишдан бўшаш хавф солаётганларни ҳам, ишсизлар, давлат бандлик хизмати органларида иш изловчи сифатида рўйхатда турганларни ҳам қамраб олади. Бандликни таъминлаш сиёсати ва бу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишнинг бевосита мақсади – муносиб яшаш ва инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш имкониятини таъминлайдиган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш ҳисобланади;

– кадрлар салоҳиятини режалаштириш ва бошқаришнинг асосий вазифаси – оптимал меҳнат нисбатларини ўрнатиш ҳисобланиб, ишчи кучи ва ишчи ўринларининг мувозанатлашганлиги улардан биридир. Бундай номуносивликнинг оғир оқибатлари амалдаги ишчи ўринларининг комплектлашмаганлиги, катта миқдорда эскирган ишчи ўринларининг мавжудлиги, ускуналар сменалигининг паст коэффициенти, ишсизлик ҳисобланади.

5. Иш билан бандлик стратегияси аҳоли ҳудудий ҳаракатчанлигини рағбатлантириш, шу жумладан, уй-жой бозорининг ривожланмаганлиги ва яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш/прописка тизими чеклашларини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутиши лозим. Мамлакатда меҳнат бозори ва бандликни ривожлантириш Давлат концепцияси банд-лик ва ишга жойлаштиришни давлат томонидан тартибга

солиш асосида ётган шароитларни ўзида мужассамлаштириши керак. Уларга қуйидагилар киради:

– иқтисодий ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва шу асосда ишга жойлаштириш соҳасида тегишли амалий шароитларни олдиндан яратиш мақсадида ишчи кучи-ни қайта тақсимлашда силжишлар ва муҳим йўналишларнинг истиқболини белгилаш;

– у ёки бу корхона ичкарасида ҳам, ундан ташқарида ҳам ишга жойлаштириш мўлжалланаётган ишловчилар турли тоифаларини ўз вақтида ва режали қайта тайёрлаш. Бунинг учун яхши ташкил қилинган ўқитиш тизими амал қилиши керак;

– вакант ишчи ўринларини, шу жумладан, ҳар бир ишга жойлаштириш идорасига мурожаат қилаётганлар томонидан излаш ва танлаб олиш бўйича фаол иш олиб бориш;

– турли субсидиялар, имтиёзли кредитлар, ўз ишини ташкил қилиш чун моддий ресурслар тақдим қилиш, кичик тад-биркорликни қўллаб-қувватлаш, уй меҳнатида бандларга кенг молиявий ёрдамлар кўрсатиш;

– ишсизликнинг олдини олиш – жиддий қийинчиликларга учраётган корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш; паст рентабелли тармоқлар корхоналари жойлашган ҳудудларда, хўжалик ривожланиши жиҳатдан ортда қолаётган туманларда алоҳида тадбиркорлик ҳудудларини ташкил қилиш. Бу ҳудудларда тадбиркорлар учун қатор имтиёزلарни кўзда тутиш лозим: солиқлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар бериш; юқорида келтирилган барча тадбирлар ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялашни самарали амалга ошириш учун етарли фондни яратиш. Бундай фонднинг молиявий асоси давлат бюджети маблағлари, корхоналар фойдасидан ажратмалар, ишловчилар иш ҳақи, касаба уюшмалари маблағлари бўлиши мумкин.

Аҳолини ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

– барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратиш;

– Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш;

– ижтимоий шериклар томонидан янги иш ўринлари яратилиши устидан давлат назорати ва жамоатчилик мониторингини йўлга қўйиш;

– чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишини назорат қилиш, бошқа кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари учун шу каби талаблар ишлаб чиқилиши ҳамда жорий этилиши чораларини кўриш;

– давлат иштирокида бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида тўғридан тўғри мулоқотни йўлга қўйиш. Бунда ижтимоий шерикларнинг мустақиллиги уларнинг мустақил қарор қабул қилиши, жавобгарлик масъулияти ва етуқлигидан далолат беради. Давлат эса холис ҳакам ва асосий ҳамкор сифатида иштирок этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни // www.lex.uz.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4725-сонли фармони // www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли қарори билан қабул қилинган “2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш Дастури” // www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги 2302-сонли

қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 8-сон, 91-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулот ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарор // www.lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3706-сонли Фармони // www.lex.uz.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11 (6705).

12. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 16 январь.

13. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи газетаси 2015 йил 17 январь.

14. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. 2014 йил 18

январь, №13 (5943).

15. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз – ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси . – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

IV. Асосий адабиётлар

19. Abdurahmonov Q.X, Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O'quv qo'llanma. - Т.: «Fan va texnologiya», 2013. – 536 б.

20. Абдурахмонов Қ.Х., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х. Региональная экономика и управление. – Т.: Фан ва технология, 2007 – 245 б.

21. Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2015. – 706 с.

22. Буланова В.С. Рынок труда. Учебник. – М.: Экзамен, 2009. – 273 с.

23. Вечканов Г.С, Вечканова Г.Р. Современная экономическая энциклопедия. - СПб.: Издательство «Лань», 2012. – 880 с.

24. Волоская Н.М. Экономика и социология труда: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2016. – 317 с.

25. Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика/ Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: Дело ЛТД, 2007. – 323 с.

26. Дубровин И.А., Каменский А.С. Экономика труда: Учебник. – М.:

Дашков и К, 2012 – 232 с.

27. Ельмеев В. Я. Социальная экономия труда: общие основы политической экономии. – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2015. – 279 с.

28. Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 224 б.

29. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное / Дж.М. Кейнс;. – М.: Эксмо, 2007. – 526 с.

30. Кибанов А.Я. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2016. – 548 с.

31. Кокина А.Я. Экономика труда. Учебник. - М.: Магистр, 2015. – 293 с.

32. Колосова Р.П. Экономика труда. Учебник. – М.: МГУ, 2014. – 351 с.

33. Коротнев В.Д., Ухоботов В.В. Молодежь села на рынке труда. Монография. – М.: Инфра-М, 2015. – 118 с.

34. Лясников Н.В. и др. Экономика и социология труда: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2012. – 288 с.

35. Одегов Ю.Г. Управление персоналом в структурно-логических схемах.-М.: Академический проект. 2015. – 348 с.

36. Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики. – М.: Норма, 2015. – 118 с.

37. Holmo'minov Sh.R, Holmurodov S.E. Mehnat bozori iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma – Toshkent, 2013. – 232 б.

38. Экономика труда: учебник. 2-е изд., перераб. и доп. / под ред. проф. Ю.П.Кокина, проф. П.Э.Шлендера. – М.: Магистр, 2016. – 291 с.

39. Экономика труда и социальные отношения: Курс ключевых лекций / Отв. ред. и сост. Н.А.Волгин, Б.В.Ракитский. – М.: РАГС, 2008. – 318 с.

V. Қўшимча адабиётлар

40. Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 476 б.
41. Региональная экономика: Учебник /Под ред.Степанова В.М. – М.: ИНФРА, 2009. – 265 с.
42. Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. – М.: Инфра-М, 2014. – 340 с.
43. Рынок труда и доходы населения. / Под ред. Н.А.Волгина. – М.: Экономика, 2009. – 342 с.
44. Смирнова Н.А. Роль качества занятости в повышении уровня жизни населения. – М.: РГБ, 2008. – 274 с.
45. Павленков В.А. Рынок труда. Занятость. Безработица. Учебник. – М.: МГУ, 2015. – 258 с.
46. Панков Б.П. Рынок труда на селе и его регулирование. Монография. – М.: Дашков-К, 2012. – 161 с.
47. Экономика труда: Учебное пособие. / Под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х., д.э.н., проф. Одегова Ю.Г. – Т.: ТФ РЭУ, 2011. – 448 с.
48. Экономика труда и социальные отношения: Курс ключевых лекций / Отв. ред. и сост. Н.А.Волгин, Б.В.Ракитский. – М.: РАГС, 2008. – 277 с.
49. Shodmonov Sh, Sh, G'ofurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010 – 551 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

50. Бувайда тумани Бандликка қўмаклашиш маркази ҳисоботлари.
51. Бувайда тумани Иқтисодиёт бўлими ҳисоботлари.
52. Бувайда тумани Статистика бўлими ҳисоботлари

VII. Интернет сайтлари

53. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

54. www.minesonotm.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

55. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг сайти.